

**КЕЧИРИМИЛИК -  
АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ**



6-7

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ:  
У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?**

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ  
15 ЙИЛЛИГИГА**

9



*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*



**ПОСЕТМДА**

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 8 июль, шанба • 27 (3661)-сон

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида навбатдаги битирувчиларни мустақил ҳаётга кузатиш маросими катта тантананага айланиб кетди. Ҳар қадамда қўлларида анвойи гуллар кўтариб олган оналар ва ёшларни учратасиз. Ҳаманинг нигоҳи турнақатор саф тортган, бўй-баста келишган, барваста, жисмонан бақувват, нигоҳларидан қатъият барқ уриб турган йигитларга қадалган.



**ВАТАН СИЗНИ КУТАДИ,  
ОФИЦЕРЛАР!**



**POSTDA-TV**



**МУНАЖЖИМЛАР  
БАШОРАТИ**  
Келгуси ҳафта учун

# НАВБАТЧИЛИК — МАСЪУЛИЯТЛИ ХИЗМАТ

*Навбатчилик қисми ички ишлар идораларининг юраги ҳисобланади. Келадиган ва чиқиб кетадиган хабар, ахборотлар асосан шу хизмат орқали ўтади. Айтайлик бирор жойда жиноят содир этилди. Бу ҳақдаги хабар биринчи бўлиб навбатчилик қисмига келиб тушади. Ана шунда қисм навбатчилари тезкор-тергов гуруҳига хабар бериб, уларни воқеа жойига йўллашади. Куну-туни телефон олдига келган хабарларни қайд этиб тегишли хизматларга юборади. Оддий туюлган бу хизмат ходимдан ўта хушёр ва ҳозиржавоб бўлишни талаб этади. Яна бир томони, фуқаролар мурожаат этиб келишганда, албатта, навбатчилик қисми ходими кутиб олади, мақсадини эшитади, аризасини қабул қилади. Бу хизматнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. Ходимнинг ишлаши учун қулай шароит яратилиши, алоқа воситалари нуқсонсиз ишлаши, ҳар бир иш аниқ ва пухта бажарилиши лозим.*

Навбатчилик қисмлари фаолиятини янада такомиллаштириш, навбатчилик хизмати ходимларининг касб маҳоратини, билим савияларини ошириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида вазирлик раҳбариятининг ташаббуси билан республика кўрик-танлови ташкил этилди. Дастлаб синов имтиҳонлари республика ИИБ Бош бошқармалари, олий ўқув муассасалари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБларда ўтказилди. Бу кўрик-танловда голиб чиққанлар республика босқичида қатнашиш учун тавсия этилди.

5-6 июль кунлари Тошкентда «Намунали навбатчилик қисми», «Энг яхши тезкор навбатчи» ва «Энг яхши навбатчи ёрдамчиси» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Республика Ички ишлар вазирлигида кўрик-танловнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Республика ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи, полковник А. Жўраев йиғилганларга кўрик-танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳақида қисқача гапирди ва вазирлик раҳбарияти номидан иштирокчиларга муваффақиятлар тилади.

Кўрик-танлов қатнашчилари дастлаб «Динамо» ЖТСЖда жисмоний тайёргарликдан имтиҳон топширдилар. Турниқда тортилиш бўйича ўтказилган синов қизиқарли ўтди. Ёши қирқлардан ошган бўлса-да,

машқни энгил бажариб, кузатиб турганларни қойил қолдирган Хоразм вилояти, Хазорасп тумани ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси Нуриддин Абдуллаевни суҳбатга тортдик:

— Ёшлигимдан спортга қизиқаман. Ҳар тонг югураман, турниқда тортилам. Шунинг учун саломатлигим жойида, хизматда чарчамайман.

Юз метрга югуришда энг чопқирлар маълум бўлди. Кун анча қизиб кетганига қарамай уч минг метрга югуриш синовида кўплар муваффақиятли иштирок этдилар. Ҳаммадан илгари маррага етиб келган Бу-

хоро вилояти Қоровулбозор тумани навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, катта сержант Тўймурот Бойишевни кўпчилик олқишлади.

— Навбатчилик қисми ходимлари учун ўтказилаётган кўрик-танловнинг аҳамияти катта бўляпти, — деди биз билан суҳбатда Навоий вилояти ИИБ навбатчилик қисмлари хизматларига раҳбарлик қилиш бўлини маси бошлиғи, подполковник Шермат Асадов. — Уларнинг жисмонан чиниққанликлари, ўқотар қуроллардан тўғри фойдаланишлари синовдан ўтказиб турилса, ўз устида ишлайди, спорт билан шуғулланади, саломатлиги яхшиланади. Бу иш унумига ижобий таъсир кўрсатади.

Макаров тўппончасидан отишда ходимларнинг мерганлик борасидаги маҳоратлари баҳоланди. Улар вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган отиш машқларида олган билимларини намойиш этишди.

Куннинг иккинчи ярмида Калашников автоматини тўлиқсиз қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича синов ўтказилди. Ҳаяжонланмасдан тез ҳаракат қилган ходимлар бу имтиҳондан аъло баҳо олдилар.

ИИБ ШТБХ «Маърифат хонаси»да эса кўрик-танлов қатнашчилари тест саволлари бўйича синовдан ўтдилар.

Синовлар ниҳоясига етиб, голиблар аниқланди. Пойтахтнинг муҳташам «Туркистон» концерт залида кўрик-танловнинг якуний қисми бўлиб ўтди. Концерт залининг фойесида навбатчилик қисмида фойдаланиладиган замонавий алоқа воситаларининг намуналари намойиш этилди.

Кўрик-танлов голибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ф. Қодиров сўзга чиқиб, республикада илк бор навбатчилик қисмлари ва бу хизмат ходимлари ўртасида ташкил этилган кўрик-танловни ўтказишда фаоллик кўрсатган Ташкилий-инспекторлик бошқармаси ва Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимларига вазирлик раҳбарияти номидан миннатдорчилик билдириб, навбатчилик қисмининг ички ишлар хизматидаги ўрни ва масъулияти ҳақида тўхталди. Шундан сўнг кўрик-танлов голиблари эълон қилинди.

«Намунали навбатчилик



қисми» номинацияси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл тумани ИИБ навбатчилик қисмига биринчи ўрин берилиб, республика ИИБ Фахрий ёрлиғи, 1-даражали диплом ва «Дамас» автомашинаси топширилди. Иккинчи ўринни эгаллаган Наманган вилояти Чуст тумани ИИБ навбатчилик қисмига ИИБ Фахрий ёрлиғи, 2-даражали диплом ва компьютер тўплами берилди. Самарқанд шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига учинчи ўрин берилди ва ИИБ Фахрий ёрлиғи 3-даражали диплом ҳамда нусха олиш аппарати билан мукофотланди.

Жиззах вилояти Дўстлик тумани ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси, капитан Холбек Эргашев «Энг яхши тезкор навбатчи» номинация бўйича голиб деб топилди ва фахрий ёрлиқ, диплом ҳамда «ROISON» рангли телевизори топширилди. Иккинчи ўринга Сирдарё вилояти Сирдарё тумани ИИБ навбатчилик қисми катта инспектор-навбатчиси, майор Серикбай Диллабеков муносиб кўрилди ва унга «VITEK» аудиоманитофони берилди. Учунчи ўринни эгаллаган Хоразм вилояти ИИБ Хазорасп тумани ИИБ навбатчилик қисми тезкор навбатчиси, майор Нуриддин Абдуллаев эса ВСД плейери билан мукофотланди.

«Энг яхши навбатчи ёрдамчиси» номинацияси бўйича Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, катта сержант Бахтиёр Абдулҳаевга иккинчи ўрин берилиб, «VITEK» аудиоманитофони билан, Жиззах вилояти Зарбдор тумани ИИБ навбатчилик қисми навбатчи ёрдамчиси, сержант Хусниддин Бойбўтаев эса (учунчи ўрин), ВСД плейери билан мукофотландилар.

Голибларга Фахрий ёрлиқ, диплом ва қимматбаҳо совғаларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Ф. Қодиров топширди.

Тантанали маросим сўнгида Ўзбекистон санъат усталари ва республика ИИБ ашула ва рақс ансамбли ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Суратда: кўрик-танловдан лавҳа.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

## Йўловчи ўрнига... СЕЛИТРА

Сирдарё вилояти, Ховос туманида жойлашган «Оқчангал» блок-постида хизматни бажарётган ички ишлар ходимлари «Ғиждувон – Тошкент» йўналиши бўйича келаётган «Мерседес-Бенц» русумли 20 N 5815 давлат рақамли автобусни тўхтатишади. Гарчи йўловчилар кам бўлса-да, автобус оғир ҳаракат қиларди. Шубҳа ўринли чиқди: ҳайдовчи Б. Зафар юкхонага хужжатсиз 1,5 тонна минерал ўғитни жойлаб олган экан.

## ПИШМАГАН САВДО

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида яшовчи Д. Боймурод Жиззах шаҳрида яшовчи С. Бахтиёр билан Дўстлик туманидаги «Учрашув» чойхо-



## НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

насида бир бурчақда ўтириб олиб, шивирлашиб, олақаргадай атрофга аланглаб кўйишарди. Бу бежиз эмасди. Сирдарёлик оғуфуруш «мол»ининг арзонга кетишига йўл кўймай баланддан келарди. Иккови бир тўхтамага келиб, 1 кило героин 15000 АҚШ долларига сотилаётганда ички ишлар ходимлари савдонинг устидан чиқдилар.

## УМИДИ ПУЧГА ЧИҚДИ

Наманган вилояти Уйчи туманида яшовчи Й. Умид айна қирчиллама йи-

гитлик даврида ҳалол меҳнат ўрнига ўғрилиқни афзал билди. Пойтахтдаги «Янгиобод буюм бозори»да киссавурлик қилди. Мўмай пулга эга бўлиб, бешолти кун маишат қилиш умидида кетаётганда туман ИИБ ходимлари томонидан ушланди.

## ЗЎРАВОН СОЛИҚЧИ

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходими О. Бахтиёр Паркент туманидаги «Паркент» дехқон бозорида хусусий тадбиркор М. Ҳасан

билан жанжаллашиб қолади ва қорнига зарб билан уради. Уларни ажратмоқчи бўлган М. Ҳасаннинг ўғли М. Абронни ҳам уриб жароҳатлайди. М. Ҳасаннинг умрига завола бўлган зўравон солиқчи ҳозир терговда жавоб берапти.

## ЭГРИ ЙЎЛ ЖАРГА БОШЛАР

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани Қорахитой қишлоғида яшовчи П. Икром «УАЗ-69» русумли шахсий автомашинасида оила аъзолари – хотини, ўғли, қизи ва укаси билан борарди. Манзилга тезроқ етиш учун тўғри, катта йўл қолиб, машинани сўқмоққа бурди. Натижада эгри-бугри йўлда машинани бошқараолмай, ағдарилиб кетди. Ҳаммалари оғир жароҳат олиб шифохонага тушдилар. Эгри йўл жарга бошлар, деб шунга айтсалар керак-да.

# ВАТАН СИЗНИ КУТАДИ, ОФИЦЕРЛАР!

**Атрофи кўркам, салобатли арчалар билан ўралган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳар доимгидан ўзгача кўрк ва тароват касб этган. Навбатдаги битирувчиларни мустақил ҳаётга кузатиш маросими катта тантананага айланиб кетди. Ҳар қадамда қўлларидан анвойи гуллар кўтариб олган ота-оналар ва ёшларни учратасиз. Ҳаммининг нигоҳи турнақатор саф торган, бўй-баста келишган, барваста, жисмонан бақувват, нигоҳларидан қатъият барқ уриб турган йигитларга қадалган.**

Уларнинг шаҳдам қадам ташлаб юришлари, ўзларини тутишлари, командирларнинг ҳар бир кўрсатмаларини маҳорат билан бажараётганига ҳавас билан боқишади. Мурғак болани тегапой қилиб парваришлаб, тарбиялаб ўқимишли, билимли, Ватани, халқи қорига ярайдиган қилиб вояга етказган ҳар бир ота-она фарзандининг бугун офицер бўлиб етуклик дипломини устозлари қўлидан олиш лаҳзаларини кўриш бахтига муяссар бўлиб туришибди. Ота-она учун бундан ортқ бахт борми дунёда.

Ана шу лаҳзаларда майдонга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вази-

ри, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов, вазирликнинг раҳбар ходимлари ҳамда меҳмонлар қуршовида кириб келади ва минбарга кўтарилишади.

Шундан сўнг полковник С. Тангирбердиев: «Муҳтарам вазир, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси шахсий таркиби навбатдаги битирувчи бағишланган тантананага сафланди!» — деб билдирди беради.

Академия бошлиғи, генерал-майор Т. Муллажонов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Бирламчи офицерлик унвонларини бериш тўғрисида»ги буйруғини ўқиб эшиттиради. Шунингдек, Олий Академик курслар битирувчиларининг 50 нафарига ички ишлар идораларининг бошқарув фаолияти йўналиши бўйича «Жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини сақлашни бошқариш ташкилотчиси» иштирослиги бўйича дипломлар берилишини маълум қилади.

Дипломлар ва кўкрак нишонлари топшириш бошланади. Академияни имтиёзли битирган-


## РЕПОРТАЖ

ларга дипломларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов тантанали вазиятда топширади ҳамда уларни қизғин табриқлайди.

Вазир ўз табриғида шундай деди:

— Сизларнинг танлаган касбингиз шарафли, шу билан бирга ўта масъулиятли ҳисобланиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталиги учун жуда аҳамиятли касблардандир. Сиз бу билан чексиз фахрланишга ҳақлисиз. Чунки бу фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, оёна-Ватанга, халқига сидқидилан ва виждонан хизмат қилиш демакдир.

Ҳуқуқшунослик илмини



— деб билдирган ишончини сиз ёш офицерлар ўз хизмат фаолиятингизда оқлашингиз лозим.

Шуни ишонч билан айта



мукамал эгаллаган, соғлом, жисмонан бақувват, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, куч-ғайратга тўлган ёш офицер кадрларни халқ хизматига, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза этишга, ҳуқуқбузарлар билан кескин курашишга сафарбар этмоқдамиз. Президентимиз И. Каримовнинг «Бугунги кунда айнан мана шу ёшлар мамлакатимизнинг фаол ва пухта тайёрланган кадрлар заҳирасини, Ўзбекистон келажигининг таянчи ва суянчини ташкил этмоқда»

оламанки, келажак илмли, маънавий, маърифатли ва эл-юрт учун жонини фидо қиладиган сиздек азиз ёшлар қўлида бўлади. Шунинг учун ҳам барчамиз Президентимиз ва халқимиз томонидан билдирилган юксак ишончни оқлашимиз, истиқлолимизни кўра олмайдиган ёвуз ниятли кучларга, жиноятчиларга қарши янада аёвсиз кураш олиб боришимиз лозим».

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Инамова, Академия профессор-

ўқитувчилари номидан кафедра муdiri, полковник Исомиддин Исмоилов, ота-оналар номидан Сабоҳат Норбўтаева ҳамда битирувчи Беҳзод Жуманиёзовлар сўзга чиқиб, ёш офицерларга оқ йўл тиладилар.

— Бугун биз шунингдек, Олий Академик курслари битирувчиларига ҳам оқ йўл тиламоқдамиз, — деди ўз табриғида Академия бошлиғи, генерал-майор Т. Муллажонов. — Мустақил ҳаётга йўл олаётган ёшларимиз зиммасига ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ўз ҳиссасини қўшишдек улкан масъулият юкланган. Ишонманки, ўқув юртида олган чуқур назарий билимингизни амалиётда қўллаб, касб маҳоратингиз, тажрибангизни орттириб борасиз.

Бугун ота-оналар хурсандчиликдан беихтиёр кўзларига ёш оладилар. Чунки фарзандлари етуклик дипломини олиб, офицер деган шарафли номга сазовор бўлганидан қувончларининг чеки йўқ.

— Мен Турсунбой Қаюмов Жиззах вилоятининг Бахмал туманиданман. Фарзандим Шавкатнинг офицер деган номга сазовор бўлганидан беҳад хурсандман. У болалигидан ички ишлар идораларида ишлашни орзу қиларди. Мана бу-

гун ниятига етди. Катта ўғлим ҳам ўтган йили шу илм даргоҳини битирган. Биз ота-оналар учун бугун энг бахтли кун ҳисобланади.

— Биз Наманган вилояти Чуст туманиданмиз. Оила аъзоларимиз билан барчамиз акам Тўйчибой Жўраевнинг қувончига шерик бўлиш учун келдик, — дейди Умида Жўраева. — Акамнинг ғайрат-шижоати, ҳаракатларини кузатиб албатта унинг болалик орзу-ниятлари ушалиб, офицер бўлишига ишонардим. Мана бугун бунга гувоҳ бўлиб турибман.

Муסיқа садолари остида шаҳдам қадам ташлаб бораётган ёш лейтенант йигит-қизларнинг шижоати, чехрасидаги қатъиятни кўриб, юртимиз, халқимиз осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Майдонда турнақатор бўлиб саф тортиб турган офицер йигит-қизлар келгусида ўзларига билдирилган ишончни сидқидилан оқлашга астойдил аҳд қилишган. Атрофга мағрур боқиб турган, эл-юрт хизматига астойдил бел боғлаган ёш офицерларга омад ҳамиша ёр бўлсин деймиз.

**Х. ФУРҚАТОВ.**

**Суратларда: битирув таътанасидан лавҳалар.**

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**



## 2006 ЙИЛ – ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

**Шундай бир касб борки, у ҳамиша эл ардоғида, эъзозидида. Бу шифокорлик касбидир. Қалблари эгниларидаги либосдек оқ бўлган тиббиёт ходимлари энг муқаддас, савобли ишларни бажаришади. Ҳам ички ишлар ходими, ҳам шифокорлик касбига сидқидилдан ёндашиб хизмат қилиб келётган Фулом Эшмуродовнинг ҳаёт йўлига бир назар ташлашни лозим топдик.**


1981 йилда ўрта мактабни тугатиб, армия сафига хизматга жўнаб кетади. Хизматни ўтаб юрган кезлари соғлиғи ёмонлашиб ҳарбий шифохонада даволанади. Шифокор ва ҳамшираларнинг оддий аскарга бўлган меҳрибончиликлари, ширинсўзлиги, ўз соҳасига фидойиликлари унда шифокорлик касбига меҳр уйғотади.

Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини ўтаб қайтган Ф. Эшмуродов кириш имтиҳон-

# САВОБЛИ КАСБ СОҲИБИ

ларига жиддий тайёрлана бошлади. Унга омад кулиб боқди. Ўша пайтдаги Ўрта Осиё медицина педиатрия институтига талабалikka қабул қилинади. Олий маълумотли шифокор деган етуклик дипломини олган кун ҳеч қачон ёдидан чиқмайди. У орзуларининг рўёбга чиққанидан беҳад бахтиёр эди.

Оддий шифокор бўлиб иш бошланган Фулом Эшмуродов мана ўн икки йилдирики подполковник Гулмурод Бобоев командирлик қилаётган ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. У бошлиқ тиббиёт бўлими шифокорлари ҳарбий қисм офицерлари, аскарлари саломатлигини сақлаш, уларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча имкони-



ятларни ишга солишмоқда. Мурожат қилиб келган ҳар бир ходимнинг саломатлигини тиклаб, яна хизматга йўллаш учун билим ва маҳоратларини аямай меҳнат қилишяпти. Турли касалликларнинг олди-

ни олиш мақсадида тиббий профилактик кўриқлар ўтказилаёттир. Айниқса, фахрийлар, ногиронлар, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлганлар оилаларига алоҳида ғам-хўрлик кўрсатилмоқда.

Тиббиёт хизмати бошлиғи Фулом Эшмуродовнинг елиб-югуришлари, саъй-ҳаракатлари натижасида замонавий асбоб-ускуналар олиб келиниб, физиотерапия хонаси, ташхис ва таҳлил жиҳозлари ташкил қилинди. Беморларнинг саломатлигини текшириш учун барча шароитлар яратилган.

Бухоро вилояти ИИБга қарашли поликлиника ходимлари, Қоровулбозор туман марказий шифохонаси ходимлари билан ўрнатилган ҳамкорлик яхши самара берапти. Улар ўзаро тажриба алмашиб, тиббиёт соҳасидаги янгиликларни бамаслаҳат амалиётга татбиқ қилишмоқда.

Ҳаётини Ватан ҳимоячилари соғлигини муҳофаза қилишга бағишлаган Фулом Эшмуродовнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тиладик.

**Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,**

**Суратда: майор Фулом Эшмуродов беморни қабул қилаётти.**

**Муаллиф олган сурат.**

2005 йил 2 август куни мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Юртбошимиз ушбу Фармонни амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш мақсадида 2006 йил 29 июнда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Фармойишга имзо чекдилар. Мазкур Фармойишнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, республикамизнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари ва кенг жамоатчилик ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази кафедра мудирини, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, юридик фанлари доктори Бахтиёр Пўлатов билан шу мавзуда суҳбат қилди. Қуйида ушбу суҳбатни этиборингизга ҳавола этамиз.

жиноятларнинг камайишига деярли таъсир кўрсатмайди. Кейинги йилларда оғир, ўта оғир, айниқса, қасдан одам ўлдириш жиноятлари сезиларли даражада камайганлигини таъкидлаш жоиз. Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йили давомида қасдан одам ўлдириш ва суиқасд қилиш жиноятлари 2004 йилга нисбатан 5,4 фоизга камайганлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ўлим жазосининг бекор қилиниши амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим аҳамият касб этадиган босқичи сифатида баҳоланиши лозим.

ларимиздан бири оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланишдир. Кўриниб турибдики, мазкур Фармоннинг амалга киритилиши ўлим жазосини бекор қилиш жараёнини моддий-техник ҳамда қонунчилик жиҳатдан таъминлаш бўйича бир қатор ташкилий тайёргарлик тадбирларини амалга оширилишини талаб этади. Шу боис ҳам ўлим жазосини дарҳол эмас, балки 2008 йил 1 январдан бошлаб бекор қилиш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонга кўра умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланиш тартиби белгиланган. Чунки, мазкур судларда янада малакароқ ҳамда тажрибалироқ судьялар фаолият кўрсатишади. Бу амалдаги қонунчилик бўйича ўлим жазоси кўзда тутилган жиноят ишларини кўриш жараёнида адолатсиз ҳукм чиқариш эҳтимолини камайтиради.

Жиноят учун жазо чоралари қўллаш тўғрисидаги қонунларга оғишмай амал қилиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Фақат асосли ва одилона жазо тайинлаш орқалигина жамиятни жинойи хуружлардан самарали ҳимоя қилиш, судланганларни тузатиш ва қайта тарбиялашга эришиш, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишни таъминлаш мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ўлим жазосини бекор қилиб, умрбод қамоқ ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини жорий қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга ўта оғир жиноят содир этган шахс шу тариқа албатта ўз жиноятига мос жазо ҳам олиши керак.

— *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши бўйича қандай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган?*

— Ушбу Фармойишнинг асосий вазифаси ўлим жазосини жинойи жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг яқунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир. Аҳоли, кенг жамоатчилик, эксперт ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари кенг миқёсда инobatта олиншини назарда тутувчи фақат шундай демократик ёндашувгина Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонунларни қабул қилиш борасидаги чуқур ўйланган, пухта ва изчил ишларни таъминлаши мумкин.

Суҳбатдош  
Фурқат АБДИЕВ.

# КЕЧИРИМЛИК — АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

— *Ўлим жазосини бекор қилишнинг зарурати ва аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?*

— Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган. Адолатли фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари жадаллик билан шакллантирилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлатимиз фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бунда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини реал таъминлаш асосий мақсад қилиб кўйилган.

Бу саъй-ҳаракатлар асосий қонунимиз— Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топди. Унда эътироф этилган инсонийлик ва адолат тамойилларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, шахснинг қонунга итоаткорлиги ҳамда яшашга бўлган табиий ҳуқуқининг кафолати таъминланмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги демократлаштириш ҳамда тубдан янгиланиш жараёнлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Ҳақиқий маънодаги фуқаролик жамияти қуришнинг қонунчилик базаси изчиллик билан яратилмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий ҳаёти ҳамда суд-ҳуқуқ тизими соҳасида катта ўзгаришлар юз берди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви бу шунчаки қонун талабининг юмшатилиши ёки заифлашуви эмас. Балки аксинча, қонунларнинг инсонийлик ва демократик асослари мустаҳкамланишидир. Энг муҳими, либераллаштириш ўлим жазосини қўллашдек масалани ҳам четлаб ўтмади.

— *Республикамизда шу пайтгача ўлим жазосининг жазо тури сифатида қўлланилиб келинаётган ҳолатларига тўхталсангиз?*

— Мустақилликка эришганимиздан буён мамлакатимиз мазкур масала бўйича ўзининг аниқ ҳуқуқий сиёсатини ишлаб чиқиб, ўлим жазосини қўллаш соҳаси босқичма-босқич чеклаб борилди. 1995 йилда амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан мазкур тоифадаги моддалар сони 13 тагача, 1998 йилда 8 тагача, 2001 йилда эса 4 тагача камайтирилди. Ҳозирги кунда эса Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан

ажралмас ва табиий ҳуқуқни эканлигини эътироф этган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон Декларациясининг 3-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига тўла мос келади.

Ушбу Фармоннинг қабул қилиниши давлатимизнинг асл демократия сари босган яна бир дадил қадами десак муболаға бўлмайди. Юридик нуқтаи назардан ҳам ўлим жазоси бекор қилиниши инсоннинг табиий ҳуқуқни бўлмиш яшаш ҳуқуқини амалда таъминлашнинг кафолатларини кучайтириб берди. Чунки суд хатоси туфайли беғуноҳ шахсни ўлим жазосига маҳкум қилиш ёки жиноят ҳолатлари ва жиноятчининг шахсига ноҳолисона баҳо бериш натижасида оғирроқ жазо, яъни ўлим жазосини тайинлаш хавфи баргараф этилди. Айрим ҳолларда судлар ҳам хато қилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, агар маҳбус умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм этилса, йиллар ўтиши билан йўл қўйилган хатони тузатиш имконияти бўлади. Бордию ўлим жазоси тайинланиб, ижро этилганда бу хатони тўғрилашнинг имкони бўлмасди. Бунга бир мисол. Республика собиқ пахта тайёрлаш вазири В. Усмонов асосиз олий жазога ҳукм қилиниб, бир ой муддат ичда ҳукм ижро этилган эди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, мазкур шахс Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори билан оқланди. Суд хатоси кеч бўлса-да тўғриланди. Афсуски, бу шахсни ҳаётга қайтаришнинг энди имконияти йўқ. Собиқ иттифоқ қонунчилигида йўл қўйилган бундай хатоликлар бўйича қўллаб мисоллар келтириш мумкин. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда ўлим жазосининг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли қамоқ жазосининг жорий қилиниши ҳақиқий инсонпарварлик намунаси ҳисобланади. Жиноят кодексидан бундай жазонинг мавжудлиги у тайинланганидан

терроризм ҳамда айбни оғирлаштирадиган ҳолатда одам ўлдириш жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси кўзда тутилган. 2001 йилда қабул қилинган қонунчиликка мувофиқ жинойи жазоларнинг либераллашуви муносабати билан содир этилган жинойи қилмишнинг оғирлик даражасидан қатъий назар вояга етмаганлар, аёллар ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан ўлим жазосини қўллаш ман этилган.

Юқоридагилар, мамлакатимиз қонунчилиги халқаро ҳуқуқ нормаларига босқичма-босқич мослаштирилиб келинаётганлигидан далолат беради. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, бу жараёнда шошма-шошарликка йўл қўйилмади ёки қайсидир давлатнинг қонунчилик механизми андоза қилиб олинмади, мутлақо янги концепция амалга оширилди.

Мамлакатни модернизациялаш ҳамда жамиятни ислоҳ қилиш жараёнлари сўнгги паллада жинойи жазо тури сифатида ўлим жазосини қўллаш муаммосини ҳал қилиш ва уни умрбод қамоқ ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоларига алмаштиришни тақозо этди. Бу эса яшаш ҳуқуқни шахснинг

**2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси мамлакатимизда бекор қилинади.**

— *Республикамиз Президентининг Фармонига кўра 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси мамлакатимизда бекор қилинади. Фармоннинг ижросига нега бунча узоқ муддат берилган, деб ўйлайсиз?*

— Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоларига ҳукм қилинган шахслар жазони махсус тартибли муассасаларда ўташиши белгиланган. Шу муносабат билан мазкур тоифадаги жазоларга ҳукм қилинган шахсларни сақлаш, шунингдек, ҳукм қилинганларни кўриқлаш, уларнинг устидан назорат олиб бориш тартиби ва шартларини белгиловчи идоравий меъёрий базани ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонунчилигига қўшимча ва ўзгартиришларни пухта ишлаб чиқиш энг муҳим вазифа саналади. Бу ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, мазкур жазо турини бекор қилган ҳамда умрбод қамоқ ёки узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм

**Ўтган йил давомида қасдан одам ўлдириш ва суиқасд қилиш жиноятлари 2004 йилга нисбатан 5,4 фоизга камайганлигини кўрсатади.**

қилинганларнинг жазони ўташини ташкил этиш бўйича тажрибага эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонунчилигини ўрганиш зарурлигини кўзда тутгани.

Ушбу Фармоннинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш бир қатор нуфузли идоралар зиммасига ўқлатилган. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларини махсус режа асосида бошлаб юборишди. Бу борадаги асосий вазифа-

**Ўтган ойнинг ўрталарида Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шахрида жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилотлардан бири — Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШХТ) юбилей саммити бўлиб ўтди. Маълумки, бу ташкилот дастлаб «Шанхай бешлиги» деб аталган эди. 2001 йил ёзида унга Ўзбекистон Республикаси ҳам тенг ҳуқуқли аъзо бўлди. Шундан кейин Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти деб аталадиган бўлди. Айни пайтда унга Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон Республикалари расман аъзодирлар.**

Ўтган йиллар давомида бу ташкилот ўз олдига қўйган мақсадига эришиш ва вазифаларини бажариш борасида самарали ишлар қилди. ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг юбилей саммитида сўзлаган нутқларида бунга алоҳида урғу бериб ўтилди.

2005 йилнинг ўзида кўплаб содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларининг олди олингани маълумотларда қайд этилди.

Террорчилик, айирмачилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда ана шу мудҳиш ҳаракатларнинг фаолияти билан

миллат танлайди. Хоҳлаган пайтда хоҳлаган мамлакатда мудҳиш ҳаракат амалга оширилиши мумкин. Буни шу давргача ер юзининг турли жойларида содир бўлиб ўтган террорчилик хуружлари ва ҳаракатларидан билса бўлади. Шу боис ҳам ШХТ фаолиятида хавфсизлик, тинчлик ва осойишталикка таҳдид солувчи кучларга қарши кураш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу нуфузли халқаро ташкилотнинг юбилей саммитида ҳам давлат раҳбарлари айнан шу масала юзасидан фикр алмашдилар.

— Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай бугунги кунда дунёда ҳамон «оловли нуқталар», худудий ва минтақавий

йўллари тўсиб қўйиш борасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим шулар жумласидандир. Кўриниб турибдики, ШХТга аъзо давлатларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш энг муҳим ва долзарб масала деб қаралади. Чунки ижтимоий жиҳатдан ривожланиш ва мустаҳкамланиш учун, аввало тинчлик ва осойишталик таъминланиши керак.

Кейинги йилларда ШХТ саммитида кузатувчи сифатида қатнашётган давлатлар сони ортиб борапти. Бу бежиз эмас, албатта. Иқтисодий-маданий алоқаларни кенгайтириш, тинчлик, осойишталикка таҳдид солаётган кучларга қарши биргаликда кура-

жумладан шундай деди: «Бу сармоявий ҳамкорликни фаоллаштиришда транспорт коммуникацияларини тараққий эттириш, минтақадаги бой сув-энергетика заҳираларидан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлиги каби ечимини кутаётган муаммоларни қўйиб қўладиган ва ҳал қилиши шарт бўлган иқтисодий йўналишларини ўз вақтида ривожлантириб бориш, шунингдек, мавжуд ижтимоий муаммолар устуворлик касб этиши зарур, деб ҳисоблаймиз».

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жумладан, ички ишлар хизматларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласига ҳам катта эътибор бериляпти. Асп



# ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ТАШКИЛОТИ

Хавфсизликни таъминлаш, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш, экология муаммоларини биргаликда ҳал этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳалардаги муносабатларни янада кенгайтириш ва бошқа ҳаётий муҳим йўналишлар бўйича муаммоларни ҳал этиш ШХТнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Шу ўринда яна бир муҳим, долзарб бўлган «уч ёвуз куч», яъни террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда амалда мустаҳкамлаб бориш масаласини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Шанхай юбилей саммитида ШХТга аъзо давлатлар Президентларининг тор доирадаги учрашувида бу борада амалий ишлар қилингани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилма воситаси билан кенг кўламда ахборот алмасуви йўлга қўйилганини, «ШХТ — Афғонистон» мулоқот гуруҳи тузилганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Яна Минтақавий аксилтеррор тузилма фаолияти туфайли

боғлиқ шахслар ҳақида маълумотлар тўплаш якунига етаётгани Минтақавий аксилтеррор тузилманинг фаолиятида амалий ишлар кучайиб бораётганидан далолат беради. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг бу тузилманинг фаолияти ҳақида «Ҳозирги кунда мазкур тузилманинг вазифалари фақат террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш билан чекланмайди. Одамларнинг онгини заҳарлаб, ёшларни йўлдан оздириб, улардан террорчилик ҳаракатларининг сўқир ижрочиларини тайёрлайдиган «конвейер» яратувчи кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг қабих ниятли мафкуравий ишларига қарши курашиш ҳам унинг вазифасидир», деган сўзини келтириб ўтиш ўринли.

Терроризм бутун дунёга таҳдид солаётган ҳозирги даврда бу офатга қарши курашда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик зарур. Бу ёвуз кучларга қарши биргаликда кураш олиб борилмас экан, қўзланган мақсадга эришиш қийин. Чунки, терроризм балоси на давлат, на чегара ва на

низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидлар сақланиб турибди, — деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов. — Афғонистондаги беқарорлик, наркотик ишлаб чиқаришнинг ҳажми ортаётгани, мамлакатдаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари кутилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Шанхай саммити ниҳоясида ШХТ Давлат раҳбарлари томонидан бир қатор ҳужжатлар имзоланди. ШХТга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги баёноти, террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурига доир қарор, ШХТ мамлакатлари худудига қўшма аксилтеррор машқларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги битим, Аъзо давлатлар худудига террорчилик, айирмачилик ва экстремистик фаолиятга даҳлдор кишилар кириб келишини аниқлаш ва бундай

ишлар қар қандай давлат учун фақат фойдалидир. ШХТ юбилей саммитида кузатувчи мақомини олган давлатлардан. — Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмединежад, Покистон Президенти Парвез Мушарраф, Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбаяр, Ҳиндистон нефт ва табиий газ вазири М. Деора иштирок этдилар. Шунингдек, Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай саммит раисининг меҳмони сифатида қатнашди.

Маълумки, ШХТ доирасида 2020 йилгача бўлган даврда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кўзда тутувчи дастур қабул қилинган. Унинг ижобати ўлароқ, кейинги йилларда Ўзбекистон билан Хитой, Россия, Қозоғистон ўртасида савдо-сотик ҳажми йилдан-йилга кўпайиб борапти. Томонлар саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқаларни етказиб беришда янги имкониятларни ишга солиб, салмоғини кўпайтиришга эришмоқдалар. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ШХТ Шанхай саммитида Хитой журналистларига берган интервьюсида

вабоси ҳисобланган гиёҳвандлик ва оғуфрушликка қарши курашда биргаликда ҳаракат қилиш, ўзаро ахборот алмашиш, айниқса, яхши самара бераётгани маълумотлардан ўрин олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ШХТга аъзо давлатлар ички ишлар идоралари вакилларининг ташриф буюриб, наркотик моддаларнинг гайриқонуний айланишига қарши кураш, шунингдек, террорчилик, айирмачилик ва экстремистик ҳаракатларнинг олдини олишда ҳам ҳамкорлик қилиш борасидаги масалаларни кўриб чиқиётганини таъкидлаш ўринли.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўзининг беш йиллигини нишонлади. Қисқа вақт ичида бу халқаро нуфузли ташкилотнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ошиб бормоқда. Минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамкорликни мустаҳкамлаш, иқтисодийни юксалтириш, давлатлараро алоқаларни кучайтиришга хизмат қилаётган ташкилотнинг келажаги порлоқ, одимлари залворли бўлади, албатта.

# ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ:

Республикамизнинг барча қишлоқларида, овулларида ва энг чекка аҳоли яшайдиган жойларида ҳам профилактика инспекторларининг бўлишига, шу ердаги халқ билан ҳамнафас бўлиб, унинг дарди, гами ва ташвишлари билан яшашига эришиш лозим.

Токи, халқ олиб борилаётган ишлардан қониқиш ҳосил қилсин ва «Бизнинг қишлоққа ҳам профилактика инспекторлари етиб келди» — деб гапирадиган бўлсин. Шундагина биз ислохотлар ўз самарасини бераётганлигини аниқ ҳис этамиз.

Ислон КАРИМОВ.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҲООББ бошлигининг ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматов.



Бўлим бошлиғи, майор Абдусами Абдужалилов.



Бўлим бошлиғи, подполковник Собир Хусанов.



Бўлим бошлигининг ўринбосари, подполковник Олтинбек Акимов.

Милиция таянч пунктларида фаолият кўрсатётган профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик билан ҳамкорликда кенг кўламли иш олиб боришмоқда. Жойларда бу соҳа ходимларининг фаолияти қандай кечаяпти? Бу ҳақда аҳолининг фикри қандай? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида таҳририятимизда бевосита мулоқот ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҲООББ бошлигининг ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматов, шу Бош бошқарманинг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишини назорат қилиш бошқармаси шартли ҳукм ва муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш жазоларининг ижросини назорат қилиш бўлими бошлиғи, подполковник Собир Хусанов, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш бўлими бошлиғи, майор Абдусами Абдужалилов, профилактика инспекторлари фаолиятини услубий таъминлаш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлигининг ўринбосари, подполковник Олтинбек Акимовлар иштирок этишди. Улар муштарийларнинг барча саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

— Ассалому алайкум, мен Бухоро шаҳридан талаба Саид Анваровман. Аксарият жиноятлар муқаддам судланганлар томонидан содир этилади, дейишади. Ана шундай шахслар билан профилактика инспекторлари қандай ишларни олиб боришлари керак?

— Профилактика хизмати ходимлари жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан шахсларнинг моддий таъминоти, яшаш шароити, оилавий аҳолини ўрганиб, йиғилган маълумотлар асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда профилактик ишларни ташкиллаштиришади. Ҳокимликлар қошидаги ижтимоий кўникма марказлари орқали моддий масалаларда қийналаётганларга ижтимоий ва маиший ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг паспорт олишларида, ишга жойлаштирилишида ҳам ички ишлар идоралари томонидан тегишли ёрдамлар берилди.

— Мен Хуршида Намозоваман. Учтепа туманидан кўнгироқ қилаяпман. Коммунал тўловларни, турли солиқ-ийғимларни ундиришга келишганда профилактика инспекторларини ҳам бирга олиб келишади. Баъзида улар билан хонадон эгалари орасида турли келишмовчиликлар келиб чиқаяпти. Бу ҳолатлар профилактика инспекторларининг обрў-эътиборига путур етишига олиб келмайdimи?

— Уй-жой коммунал тўловлари ва бошқа солиқ йиғимлари билан шуғулланувчи мутасадди ташкилотлар вакилларида профилактика инспекторлари ўзларининг маъмурий ҳудудларида ҳамроҳ бўлишининг асосий сабаби, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашдан ҳамда фуқаролик бурчини бажармаётган айрим фуқароларга ҳаракатдаги қонунлар талабларини тушунтиришдан иборатдир.

— Мен Собир Раҳимов туманидан Равшан Эгамбердиев бўламан. Сўнги йилларда мамлакатимизда кабелли телеканаллар ҳамда интернетдан фойдаланувчилар кўпчиликини ташкил этапти. Интернет тизими орқали Ғарб мамлакатлари томонидан ўз олдида ахлоқсизликни тарғиб қилишни мақсад қилиб қўйганларнинг фаолиятига чек қўйиш мумкин эмасми?

— Бу борада Ички ишлар идоралари, ходимлари, маънавиятимизга зид бўлган жохилликни, зўравонликни тарғиб этувчи ҳамда порнографик мазмундаги киновидео маҳсулотлари тарқатилишининг олдини олиш мақсадида мутасадди ташкилотлар ва Электромагнит мослашуви маркази ходимлари билан ҳамкорликда алоҳида режа асосида махсус рейдлар ўтказиб боришмоқда. Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан айбдорларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўрилади.

— Алло, мен Навоий шаҳридан Жўравой Абдушукуровман. Бугунги кунда маҳалларда посбонлар фаолият юритишяпти. Улар ҳам худудда юрган бегона кишилардан ҳужжат сўраш ҳуқуқига эгами? Умуман, улар қандай ваколатларга эга?

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан барча маҳалларда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу тузилмаларга 18 ёшга тўлган, жисмонан соғлом, одоб-ахлоқли фуқаролар қабул қилиниши белгиланган. Улар ички ишлар идоралари ходимларига маҳалларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда амалий ёрдам кўрсатадилар. Посбонларга маҳаллада белгиланган жадвал асосида кечаю-кундуз хизмат олиб бориш, бегона фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўриш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликни тўхтатишни фуқаролардан талаб қилиш, уларни ички ишлар идораларига олиб бориш ва милиция таянч пунктига таклиф қилиш каби ваколатлар берилган.

— Жиззах шаҳридан Мурод Болтаевман. Мен 2006 йил январь ойида содир этган жиноятим учун ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиндим. Айтинг-чи қаерда ишлашим мумкин?

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 46 ва Жиноят — ижроия кодексининг 26-моддаларига биноан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси суднинг ҳукмига мувофиқ ҳукм қилинган шахснинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади.

— Алло, бу бевосита мулоқотми? Мен Оҳангарон туманидан Ҳожиакбар Тулагановман. Укам ўғирлик жинояти учун ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган эди, лекин унга нисбатан аввалги судланганлиги бўйича амнистия қўлланилган деб, 2005 йилдаги амнистия қўлланилмади, шу тўғрими?

— Тўғри, чунки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 1 декабридаги амнистия тўғрисидаги Қарори илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афв этиш ёки амнистия ҳақидаги Фармонларига асосан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

— Тошлоқ туманидан Муроджон Ақромовман. Ўғлим Муқимжон ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган, у ушбу жазодан муддатидан илгари озод этилиши мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 73-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган ва шу жазо тури учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилади. Агар ўғлингиз жазони ўташ даврида белгиланган тартиб қоидаларга қатъий риоя қилса, намунали хулқини намойиш этса, муддатидан олдин жазодан шартли озод қилиниши мумкин.

— Чилонзор туманидан Аҳмаджон Баҳромовман, 13 ёшли ўғлим Жўрабек Баҳромов тенгқурлари билан бир неча марта жанжаллашган эди. Ўғлимни ички ишлар идоралари ходимлари ҳисобга олибди. Менга бу ҳақда маълум қилишиб, керакли ҳужжатларни тақдим этишимни сўрашди, уларнинг ҳаракати тўғрими?

— Ички ишлар вазирлигининг меъёрий ҳужжатларига асосан ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар яшаш жойларидаги ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобига олинади. Улар билан профилактик-огоҳлантирув, тарбиявий ишлар амалга

# У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

оширилади. Агар ўғлингиз Жўрабек бир неча мартаба ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан тўғри профилактик ҳисобга олинган бўлиб, сўралган ҳужжатларни тақдим этишингиз шарт.

— **Хоразм вилояти Гурлан туманидан Эркин Бозоров сизларга телефон орқали мурожаат қилапти. Ҳуқуқбузар, тарбияси оғир вояга етмаганлар учун махсус тарбия муассасалари бор дейишади. Сиздан илтимос, бу ҳақда маълумот берсангиз?**

— Ҳуқуқбузар, тарбияси оғир вояга етмаганлар учун махсус ўқув-тарбия муассасалари мавжуд. Булар 11-14 ёшдаги ўғил болаларга мўлжалланган Самарқанд шаҳридаги мактаб-интернат ҳамда 14-17 ёшдаги қиз болалар учун Қўқон шаҳридаги Енгил саноат касб-хунар коллежи бўлиб, уларда вояга етмаганларни тарбиялаш ва ўқитиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— **Алло, Паркент туманидан Гулнора Қаландароваман. Қўшнимизнинг ўғли гиёҳвандлик моддасини сурункали истеъмол қилади. Ота-онаси ўғлини бу номақбул ишдан қайтаришга қодир эмас. Фарзандларимиз унинг таъсирига тушиб қолишидан кўрқамиз. Бу масалада кимга мурожаат қилишимиз керак?**

— Инсоннинг ақл-идрокига салбий таъсир кўрсатувчи гиёҳвандлик, токсик моддаларни тиббиёт муассасаларининг рухсатсиз истеъмол қилувчи шунингдек, ичкиликка ружу қўйган шахслар аниқланган тақдирда профилактика инспекторига ёки шаҳар-туман ИИБга мурожаат қилиш керак. Мазкур тои-

фадаги шахслар ота-онаси, яқин қариндошлари ва маҳалланинг фикрларини инобатга олган ҳолда тиббиёт муассасаларига йўлланма орқали юборилади.

Агарда гиёҳвандликка ёки ичкиликка ружу қўйган шахс тиббиёт муассасаларида ихтиёрий равишда даволанишдан бўйин товласа, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги Қонунига асосан мажбурий тартибда суд қарори билан ихтисослаштирилган профилактик-даволаш муассасасига жойлаштирилади.

— **Зарафшон шаҳридан Валижон Рўзमतовман. Яқинда маҳалламизда яшовчи Одил исми киши озодликка чиқди. Унинг турмуш ўртоғи 2 йил илгари уйини сотиб номаълум томонга кетиб қолган. Ҳозир Одилнинг борадиган жойи йўқ. Бундай шахсларга давлат томонидан қандай ёрдам кўрсатилади?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги Қарорига асосан маҳаллий ҳокимликларда жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштириш, уларга ижтимоий-маиший масалаларда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия ташкил этилган. Жазони ижро этиш жойларидан озодликка чиққан шахсларнинг ижтимоий-маиший масалаларидаги барча муаммолари, шунингдек, уй-жойи йўқ бўлган фуқароларни турар жой билан таъминлаш масалалари мазкур комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, Ўзбекис-

**Маҳаллада бирор ҳодиса рўй берса, одамлар қаёққа боради? Кимга мурожаат қилади, албатта профилактика инспекторига. Шу боис, биз уларга энг аввало телефони бўлган, барча шарт-шароитларга эга бўлган хизмат хонаси яратиб беришимиз керак.**

**Ислом КАРИМОВ.**

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 28 сентябрдаги Фармойиши асосида ҳокимликлар қошида ташкил этилган ижтимоий кўникма марказлари томонидан жазони ижро этиш жойларидан бўшаб қайтган, моддий жиҳатдан қийналаётган шахсларга республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг олти баробари миқдоригача ёрдам кўрсатилади.

— **Сизларга Олтиариқ туманидан Анвар Собиров мурожаат қилапти. Маҳалла посбони бўлиб ишламоқчиман. Бу масалада кимга мурожаат қилишим керак? Маҳалла посбонларига қандай имтиёзлар яратилган?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги Қарорига асосан барча маҳаллаларда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ташкил этилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қарорига асосан ёш, жонкуяр, маҳалла тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш истагини билдирган, шу маҳалла ҳудудида яшовчи 18 ёшга тўлган фуқаролар маҳалла посбони этиб тайинланиши мумкин. Уларнинг ишига «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори раҳбарлик қилади. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш борасида фаол иштирок этган ма-

ҳалла посбонлари ички ишлар идоралари томонидан рағбатлантирилиб борилади. Шунингдек, ҳар йили «Энг фаол маҳалла посбони» номинацияси бўйича шаҳар-туман, вилоятлар ва республика миқёсида 3 босқичда кўрик-танлов ўтказилиб, голиблар тақдирланади. Ички ишлар идораларига яқиндан ёрдам бериб, яхши кўрсаткичларга эришган маҳалла посбонларига ички ишлар идораларига ишга кириш учун йўлланмалар берилади.

— **Самарқанд шаҳрида яшовчи Муртоз Холиқовман. Биз яшайдиган кўп қаватли уйнинг 7-қаватида яшаётган бир гуруҳ ёшлар кечаси бемаҳалда баланд овозда мусиқа кўйиб, шовқин-сурон кўтариб, ҳаммамизнинг тинчимизни бузмоқда. Бир неча марта кўшнилар чиқиб, тартибга чақирдик, фойдаси бўлмади, уларга қандай чора кўрилади?**

— Бундай ҳолларда милиция таянч пунктига мурожаат қилиш зарур. Милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари иборат кечаю-кундуз навбатчиликлар ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 192-моддасида тунги соат 23.00дан 06.00 га қадар баланд овозда кўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналларини

бериш ёки шовқин чиқарувчи ишларни қилиш орқали фуқароларнинг оромини бузган, дам олишига халал берган ҳуқуқбузарларга нисбатан профилактика инспектори томонидан маъмурий баённома тўлдирилиб, белгиланган миқдорда жарима солинади.

— **Чироқчи туманидан Мурод Тўрахўжаев сизларга ушбу савол билан мурожаат қилапти. Мен Тошкент шаҳрига бориб, ёлланма иш билан шуғулланоқчиман. Бунда нималарга амал қилишим керак? Ёки менга Тошкент шаҳрида бундай фаолият билан шуғулланишимга рухсат этилмайди?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 майдаги Қарорига асосан Тошкент шаҳрида ва вилоятлар марказларида Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари ташкил этилган. Биргина пойтахтимизда ҳозирги кунда 7 та бундай марказ фаолият кўрсатмоқда. Вилоятлардан келиб, Тошкент шаҳрида иш билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар бу ерда вақтинчалик рўйхатдан ўтиб, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларига мурожаат қилишлари мумкин. Мазкур марказларда улар ҳеч қандай муаммосиз қайддан ўтказилади ҳамда ушбу турдаги фаолият билан шуғулланишлари учун шароитлар яратилади.

Мулоқот давомида мутахассислар фуқароларнинг барча саволларига атрофлича жавоб қайтардилар. Аммо уларнинг ҳаммасини газетамизнинг ушбу сонидан беришнинг имкони бўлмади. Шу боис, газетамизнинг кейинги сонларидан бирида бу мавзуга яна қайтамыз.

Мулоқотни Фурқат ХОЛИҚУЛОВ, Иброҳим САИДОВлар ёзиб олди.



Муборак туманидаги 274-милиция таянч пункти жойлашган бинонинг умумий кўриниши.



Мирзачўл тумани 109-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Олжабой Худойбердиев маҳалла фаоллари билан келгуси иш режаларини маслаҳатлашмоқда.

**Сирғали пойтахтимизнинг йирик туманларидан бири бўлиб, худудда осойишталикни сақлаш, фуқаролар тинчлигини таъминлаш ички ишлар ходимларидан жонбозлик, фидойилик, катта масъулиятни талаб қилади. Аҳолини турли хил экстремистик оқимлар, гиёҳвандлик хавфидан огоҳ этиш, яъни огоҳликка даъват қилиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида туман ИИБ ҲООБ бошлиғи, майор Алишер АБДУГАФФОРОВ қуйидагиларни гапириб берди:**

# МАҲАЛЛА ТИНЧ БЎЛСА...

фожиали оқибатларини янада яхшироқ тушунтириш мақсадида кишини тубанлик сари етакловчи ва охир-оқибат хароб қилувчи иллатлар акс эттирилган лавҳалар намойиш этилмоқда.

ри учун «Биринчи муаллим» (1911) Октябрь ўзгаришигача 4 марта, «Алифбедан сўнгги ўқув китоби» - «Иккинчи муаллим» 3 марта қайта нашр этилган. Ахлоқий-дидактик мазмундаги «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» дарслиги XX аср бошлари ижтимоий-педагогик фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. Унда тарбия ва ахлоқ масалалари биринчи мартаба XX асрнинг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Адиб Ватан муҳаббатини, унинг учун курашмоқни энг инсоний хулқлардан ҳисоблади. Ватан - бу ҳар бир кишининг туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакат. Уни қадрламоқ, севмоқ, яшартмоқ керак. Шоир Ватан ва унга муҳаббат деганда шуни тушунган эди. Тилга, маданиятга муҳаббат эса, ҳар бир кишининг ўз халқига бўлган муҳаббатидир: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмақ миллатнинг руҳини йўқотмақдур».



Авлоний Ҳижрон, Набил, Индамас, Шуҳрат, Тангрикули, Сурайё, Шапалок, Чол, Аб, Чегабой, Абдуллақ тахаллуслари билан шеър, ҳикоялар ва мақолалар ёзган. Шоир шеърляри билан танишар экансиз, қизиқ бир ҳолга дуч келасиз. Унда бирорта ишқий шеър йўқ. У ижтимоий муаммоларни, эл-юрт ғамини муҳимроқ билади. Халқ ва Ватан бахтсизлиги олдида ҳар қандай муҳаббатни рад этади. Авлоний ўзбек театрининг асосчиларидан эди. У 1913 йилда «Туркистон» театр труппасини тўзди. «Туркистон» ўзининг қатъий низомини ҳам эълон қилган эди. Унинг ташкилотчиси ҳам, ғоявий-бадий раҳбари ҳам Авлоний эди. Труппа «Заҳарли ҳаёт» (Ҳамза), «Бахтсиз кўёв» (А. Қодирий) каби XX аср бошлари ўзбек драматургиясининг энг яхши намуналарини сахналаштирган, театр озарбайжон драматурглари асарлари («Бадбахт келин», «Хўр-хўр», «Жаҳолат», «Ўлик-

лар», «Жой ижарага олган киши», «Ман ўлмишам», «Лайли ва Мажнун», «Асли ва Қарам»)ни ўзбекчага таржима қилиб сахнага қўйган. Авлонийнинг ўзи Маллуъ («Лайли ва Мажнун»), Файзибой («Бахтсиз кўёв»), Алибой («Тўй»), Бой («Падрақуш») ролларини ижро этган. Авлоний «Адвокатлик осонми?» (1914), «Пинак» (1915) комедиялари, 1914-1917 йилларда ёзган «Биз ва Сиз», «Португалия инқилоби», «Икки севги» каби ғожиавий асарлари билан ўзбек драматургиясининг майдонга келиши ва театриликнинг халқ орасига томир отишига муҳим ҳисса қўшди. Адвокат Давронбек орқали Туркистондаги ҳуқуқсизлик, дунёдан хабарсизликни фош этди. «Адвокатлик осонми?» деган асарида бир қатор кўкнори ва қиморбозлар образини яратиб, маънавий турмушнинг тубан бир ҳолга келиб қолганини кўрсатди. («Пинак»), Монархияга қарши кураш байроғи остида кечган 1910 йилги Португалия инқилоби, 1909 йили Туркияда юз берган «Ёш турклар» инқилоби («Икки севги») ҳақида ёзиб, адабиётимизда мавзу ва ғоялар кўламини кенгайтди. «Биз ва Сиз»да эса XX аср бошидаги Туркистоннинг эскилик ва янгилик борасидаги курашини аниқ тақдирлар мисолида ёритиб берди. Авлоний ижоди 60-йилларнинг охиридан ўрганила бошланди. Ҳозирда унинг турли жанрлардаги асарларидан намуналар алоҳида китоблар ҳолида чоп этилган.

Судоку тўраида турли сўзлар ва расмлар қўйиб берилган. Сўзларнинг қисми судоку кўшигини тўлдирди. Расмлар судоку кўшигини тўлдирди.

## Тушлар Таъбири

(Боши ўтган сонларда)

### ОТ

Кимки, ўзини учар оқ отда учи кетаётганини кўрса - барча ишларининг унуми бирданига кўтарилиб кетади, узоқ юртларга сафар қилади, юқори мартабали арбобларнинг ҳурматида сазовор бўлади. Кимки, қора от миниб юрганини кўрса - такаббуриги ва бошқаларни менсимаслиги туфайли яқин кунларда ўз хурматини йўқотади. Кимга эгарсиз асов от кўринса - ишлари орқага кетаяпти, тadbир қилсин. Йиқилган, йиқилаётган от - келаётган дард белгиси. Тойчоқни кўриш - келгусида хурматга сазовор инсон бўлишдан, яхши кунлар яқинлашаётганидан хабар.

### ОЛЧА

Тушдан олча кўриш - ғам-ғусса ва аччиқ ҳақиқатдан дарак. Олча териш - ўз айби билан кўз ёш тўкиш; бировнинг терганини кўриш - ачинишдир. Олчзор - қутилмаган ташвишлардан хабар. Садақа бериш лозим.

### ОФИЛХОНА

Бу - яхшилиқ аломати: омад, янги ҳамкорлар ва фойдали учрашувлар ифодаси. Офилхонадан нарса олиб чиқиш - бекорчи харажатлар, йўқотишлар белгиси. Офилхонага нарса олиб кириш - даромадга ишора; ёшлар олиб кирсалар - тўйлари бўлади. Офилхонанинг ёнганини кўриш - қувончли ўзгаришлар; аёлларнинг кўриши - уларнинг оқилалигидан, тежамкорлигидан, ишларининг тўғрилигидан хабар.

(Давоми бор).

### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Туркистон, Гиппократ, Нилуфар, Афина, Тахт, Имо, Цикада, Марафон, Халат, Амал, Нато, Зур, Саму, Ком, Татар, Икик, Асосан, Доим, Ура, Нон, Зулу, Нок, Асира, Ноз, Ал, Арз, Оғир, Тўла, Ита, Атика, Ҳаким, Аят, Ош, Млава, Фиск, Нав, Повар, Анданте, Шайба, Саида, Об, Лар, Хос, Гашт, Бокал, Мато, Рисола, Алабама, Катин, Титул, Лим, Ёқа, Тайм, Ис, Роза, Она, Ора, Яп, Азиза, Алиби, Пергайос, Ола, Аппалачи. БУЙИГА: Француз, Кардинал, Соната, Оклахома, Фа, Графика, Рим, Нодон, Пиза, Ана, Мирзатерак, Дастмоя, Аҳмад, Акустика, Амири, Муқаррама, Алқона, Шиш, Осон, Моно, Нутрия, Хотима, Боб, Арпабодийн, Фас, Ира, Фиёс, Ориқ, Рақ, Алваро, Нос, Тивит, Енг, Тўкис, Нам, Оқава, Ҳарна, Ли, Сет, Илло, Кудда, Дарга, Мамуният, Тат, Холи, Галерея Аша, Зо, Лиана, Азал, Ила, Този, Раба, Лот, Латин, Ип, Маъноли.

Мураддон КАМОЛИДДИНОВ тўзди.



**Фантастика ишқибозлари америкалик адиба Ан-дре Нортонни яхши билишади. Унинг қаламига мансуб асарларнинг қаҳрамонлари юлдузлараро кенгликларда ёки сирли оламларда саёҳат қилиб юришади. Аммо ёзувчи кутилмаганда 1973 йилда «Бу ерда маҳлуқлар яшайди» деб номланган романини эълон қилади. Аввалги асарларидан фарқли ўлароқ, роман воқеалари ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШда юз беради. Асар қаҳрамони – одатдаги америкалик йигитча мотоциклида саёҳат қилиб юради. У кўл бўйида дам олмоқчи бўлади. Йўл-йўлакай озиқ-овқат харид қилгани бир дўконга қиради. Бу дўкон эгаси унинг таниши эди.**

Сотувчи унга қўлга элтувчи бир фаройиб йўл ҳақида гапириб беради. Айтишича, бу йўлда кетаётган одамлар баъзан машина-пашинаси билан ғойиб бўларкан. Бу сирли ҳодисалар 1946 йилдан бошланган экан. Дўкон хўжайини машъум йўл гўёки Бермурд учбурчагининг қуруқликдаги эгизаги, дейди.

Нортон ўз асарида бу сирли йўл ҳақида маълумотларни қаердан олганлиги тўғрисида ёзмаган. Аммо роман нашрдан чиққач, америкаликлар унда қайси жой

ўтишини аниқладилар. Янаям аниқроғи, ушбу шоссенинг 15 километрлик қисмини маҳаллий аҳоли «йўқликка йўл» деб аташарди. Сабаби, шу машъум, хосиятсиз худудда вақти-вақти билан одамлар, автомобиллар сирли равишда ғойиб бўлиб қоларди.

Узоқ вақт штат полицияси ҳам, маҳаллий ҳокимият вакиллари ҳам буни жамоатчиликка ошкор қилмасликка уринди.

керка шаҳри атрофида ҳалокатга учраган.

Йўл билан кўпчилик қизиқиб қолгач, Нью-Мексико штати полициячиси Роберт Келли журналистларга қуйидагиларни гапириб берди:

– Бу йўлни бизнинг худуддаги Бермурд учбурчаги деб атаса ҳам бўлади. Йўл гўёки одамларни ютиб юборади. У Сан-Матео тоғли мавзесида бориб тугайди. Бошқа ҳеч бир томонга буриладиган йўл йўқ. Атроф қип-қизил чўл. Саёҳларнинг кўпчилиги ана шу равон йўлда ўз автомобилларида сайр этиб, теварак-атроф табиатидан завқ олишни яхши кўришади. Аммо маҳаллий аҳоли вакиллари бу хосиятсиз жойларга яқин йўламасликни маъқул билишади. Шоссенинг машъум ном олган қисми бошланган бурилишда йўл ёқасида дўкон бор (романда тилга олинган дўкон шу бўлса керак). Сайёҳлар одатда ана шу дўконга кириб, ул-бул егуликлар харид қилишади. Уларнинг баъзилари дўкондан чиқиб сирли тарзда ғойиб бўлишади.



эса қизи ва ўғли билан машинада бир айланиб келмоқчи бўлди. Шу-шу уларни қайтиб ҳеч ким кўрмади. Полициячиларнинг барча уринишлари зое кетди.

Уфологлар бу худудда юз бер-

телефони ҳам бўлган. Шу-шу ҳеч бири машина олдига қайтиб келмади. Маҳаллий полиция саёҳаракатлари бирор-бир натижа бермагач, йигит-қизлар машинани олиб қочишган, сўнг ташлаб кетишган деган тахминни

илгари суришди. Полициячилар автомобилнинг давлат рақами йўқлиги бунинг исботи, дейишди. Афсуски, «жип»да қолдирилган лаш-лушлар ичидан

йўқолганларнинг шахсини аниқлашга ёрдам берувчи ҳеч бир ҳужжат топилмади.


Канада худудида ҳам шундай хосиятсиз жой бор. Бу жой «Бошсизлар водийси» дея ном олган. Сабаби, 1898 йилда водий худудида олти нафар олтин изловчи ғойиб бўлди. Орадан бир неча йил ўтиб, бир овчи уларнинг бошсиз скелетларини топди. Водийда одамларнинг исиз йўқолиши кейин ҳам давом этди. Сирли равишда ғойиб бўлганлар орасида овчилар ҳам, полициячилар ҳам, геологлар ҳам бор эди. 1965 йилда икки киши барава-рига йўқолиб қолгач, воқеа жойини ўрганиш учун бутун бошли экспедиция юборилди. Аммо экспедиция аъзоларининг ўзлари ҳам йўқолганлар рўйхатидан жой олишди. Ўтган асрнинг охирида икки нафар талаба каттагина мукофот эвазига «Бошсизлар водийси» сирини очишга бел боғлашди. Афсуски, уларнинг ўзлари ҳам исиз ғойиб бўлишди, қайтиб топилмади. Бу 1990 йилда юз берган эди.

Собиқ СССР худудида ҳам бундай хосиятсиз жойлар бўлгани аниқ. Собиқ Иттифоқ тарқаб кетиши арафасида мамлакат Ички ишлар вазирлиги сўнгги бир йил ичида 86 минг киши исиз йўқолганлигини эълон қилди. Кейинроқ улардан 60 минг нафарининг тақдири аниқланди. Лекин 26 минг уму-ман топилмади.

**Ҳурматли муштарийлар!**  
Балки, сизлар яшаб турган худудларда ҳам турли хил сирли ҳодисалар юз бериб тургандир. Узимиз гувоҳ бўлган, кўрган, эшитган қизиқарли воқеалар ҳақида бизга ёзиб юборинг.

ТАҲРИРИЯТ.

## ХОСИЯТСИЗ ЖОЙЛАР



ҳақида ҳикоя қилингани тез орада билиб олишди. Чунки тиниб-тинчимас журналистлар ўз текширишларини ўтказиб, бу йўл Нью-Мексико штатидаги Альбукерка шаҳри яқинидан

Чунки Альбукерка шаҳри сайёҳларнинг сеvimли гўшаларидан бири бўлиб, сайёҳлик орқасидан катта даромад кўрарди. Айтишларича, 1947 йилда номаълум учар ликопча ҳам айнан Альбу-

Фаройиб ҳодисаларнинг бири яқинда юз берди. Чикаголик эрхотинлар Милли ва Томас Лаутрук юқоридаги дўконга киришди. Қаҳва ичишгач, Томас газета ўқишга берилиб кетди. Милли

раётган сирли ҳодисаларни ўзга сайёраликларнинг ташрифи билан боғламоқчи бўлишади. Аммо журналистлар 1947 йилдан, яъни ўзга сайёраликлар илк бор ташриф буюришидан илгари ҳам ушбу худудда одамлар сирли тарзда ғойиб бўлиб турганлигини аниқлашди.

Полициячилар ҳам диққатга сазовор, ҳақиқатга яқинроқ бир тахминни илгари суришди. Штат Мексика билан чегарадош. Йўлнинг икки томони, юқорида айтганимиздек, кимсасиз саҳро. Балки, сайёҳларга мексикалик қароқчилар ҳужум қилишаётгандир? Улар одамларни ўлдириб, машиналарни ўз мамлакатларига олиб кетишаётгандир?

Аммо бу тахминни ҳам яна тиниб-тинчимас журналистлар йўққа чиқаришди. «Унақада эски, шалоғи чиққан автомобиллар ҳам ғойиб бўлаётганини қандай изоҳлайсиз?» – дея улар қувлик билан савол беришди.

Дунёда бунақа хосиятсиз жойлар яна бор. Ҳатто АҚШнинг ўзида ҳам топилди. Калифорниянинг Миллий боғини олайлик. Боғнинг дарахтлар қалин ўсган бир худудида ўтган асрнинг иккинчи ярмида юзлаб одамлар исиз йўқолди. Улар асосан ёшлар ва болалар эди. Шунинг учун Миллий боғ «Болалар йўқоладиган боғ» деган машъум ном олган. Бу ерда нафақат болалар, ҳатто уларни излаган қутқарувчилар ғойиб бўлган ҳоллар ҳам қайд этилган.

1986 йилда уч йигит ва икки қиз «жип» машинасида боққа келишди. Улар машинани бир четда қолдириб, ўзлари егуликларини олиб боғни айлангани кетишди. Гувоҳларнинг айтишича, улардан икки нафарининг уяли

## АСТЕРОИД ЕР БИЛАН ТЎҚНАШАДИМИ?

Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 13 йилдан сўнг «2004-МН4» астероиди сайёрамиздан бор-йўғи 20.000–40.000 километр узоқликда ўтади. Бу кўрсаткич Ой билан Ер ўртасидаги масофадан 10 марта кичик. Астероиднинг Ер шари гравитация майдонида қандай ҳаракатланиши ҳанузгача номаълумлигича қолаёпти.



Агарда астероид сайёрамиз билан тўқнашиб кетса, портлаш кучи 10.000 мегатоннани ташкил қилар экан.

Бу ер юзидаги барча ядровий қуролларнинг қувватига тенг дегани. Портлаш оқибатида минг километр радиусдаги жонзотлар қирилиб кетиши мумкин. Атмосферага кўтарилган чанг-тўзонлар эса ер юзини бир неча йиллаб қуёш нуридан тўсиб қўяди. Натижада эса куррамиз ўз бошидан музлик даврини кечира бошлайди.

Бугунги кунда фазошуносларнинг диққат-эътибори 2019 йил 13 апрель куни сайёрамизни нима кутаётганлигига қаратилган. Хайриятки, илгари ҳам бундай ваҳимали башоратлар қилингану, уларнинг бирортаси ҳам рўёбга чиқмаган. Демак, бу навбатдаги шов-шув орқасидан қувишдан бошқа нарса эмаслиги аниқ.

Иброҳим САИДОВ тайёрлади.

**Калифорния-лик бир гуруҳ астрономларнинг таъкидлашларича, айни вақтда Ер шарига қараб баҳайбат астероид ҳаракатланиб келаётган экан. Фазошунослар «2004-МН4» деб атаётган мазкур самовий жисмни ўтган йили аниқлаган эдилар. Аввалига астероиднинг сайёрамиз билан тўқнашиш эҳтимоли камроқ бўлган, бугунги кунга келиб бу борадаги шов-шувлар анча кучайган.**

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

**Савол:** – Йўлчиروق қаерларга ўрнатилади?  
**П. АЪЗАМОВ, Тошкент шахри.**

**Жавоб:** – «Йўл ҳаракатини бошқариш воситалари улардан фойдаланиш қоидалари» ягона давлат стандартидаги шартларга асосан йўлларда пиёдалар ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллиги ўрганиб чиқилади ва меъёр талабларига жавоб берган тақдирда йўлчиروق ўрнатилади.

**Савол:** – Айрим ҳолларда ҳайдовчилар томонидан пиёдалар йўлакчасида пиёдага йўл бермаслик, автобус бекатларида тезликда ҳаракатланиш, автомашинадан ҳар хил чиқиндиларни ташлаб юбориш ҳолатлари кузатишмоқда. Бундай қоидабузарликларга нисбатан жазо чоралари борми?

**Ж. РАЖАБОВ, Самарқанд шахри.**

**Жавоб:** – Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг пиёдалар ўтиш жойида ёки уларга 5 метрдан камроқ масофада тўхтаб турган, пиёдаларга йўл бермаган, белгиланган йўналишдаги транспорт воситалари бекатларида ҳаракатланган ҳайдовчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 128-моддасига, транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юборганлик учун эса 123-моддасига асосан маъмурий чоралар кўрилади.

**Савол:** – Уч ой аввал автомашина сотиб олган эдим, энди ойналарини қорайтирмақчиман. Тартиби қандай?

**В. ЎТАНОВ, Шахрисабз.**

Саволларга Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бўлим бошлиғи, подполковник Анвар СУЛАЙМОНХҲҲАЕВ жавоб берди.

**Жавоб:** – «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3-илова 7.3-бандига берилган изоҳга кўра «транспорт воситаларининг фақат орқа ва ён ойналари ёруғлик ўтказувчанлигини 70 фоиздан кам бўлмайдиган қилиб, давлат стандарт талабларини бузмаган ҳолда тусини ўзгартириш (қорайтиришга) рухсат этилади. Автомобилнинг том қисмидаги люк ойнаси бундан мустасно».

**Савол:** – Йўл-транспорт ҳодисалари турлари ва сабаблари тўғрисида тўлиқроқ маълумот берсангиз?

**С. ВАЛИЕВ, Бухоро вилояти Когон шахри.**

**Жавоб:** – Жами йўл-транспорт ҳодисаларининг тахминан 27 фоизини тўқнашув, 5 фоизини ағдарилиш, 1 фоизини тўхтаб турган транспорт воситасига урилиш, 5 фоизини тўсиққа урилиш, 53 фоизини пиёдали, 7 фоизини велосипедчини, 0,5 фоизини отуловли транспортини ва 0,1 фоизини жониворни уриб юбориш, қолганларини бошқа турдаги ҳодисалар ташкил этади.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг тахлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг келиб чиқишига асосан сабаб бўлган омиллардан тезликни ошириш оқибатида 13 фоиз, пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидабузарликларини бузиш натижасида 12 фоиз, қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиш, қувиб ўтиш оқибатида 7 фоиз, йўналишни ўзгартириш натижасида 4 фоиз, чорраҳадан ўтишда 2 фоиз, йўл белгиси, йўл чизиғи ва йўлчиروق қоидаларига бўйсунмаслик натижасида 1,2 фоиз автоҳалокат содир бўлади.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги «Кўриқлаш» Бирлашмаси алоҳида милиция батальони командирининг ўринбосари, майор **Соипжон САЙДОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги «Кўриқлаш» Бирлашмаси алоҳида милиция батальони ШТБИГ катта инспектори, катта лейтенант **Мавлуда НУРХАДЖИЕВА**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ умр, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, масъулиятли ишларида улкан ютуқлар тилаймиз.

Батальон раҳбарияти ва шахсий таркиби.

## ЭЪЛОН

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2003 йил 2 сентябрда **Жамшид Исмаилов** номига берилган 611-рақамли ўқувчилик гувоҳномаси йўқолгани учун

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## «МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

### ОТАСИНИ АЙТМА, БЎТАСИНИ АЙТ

Одатда бу мақолни: «Агар бирор одам ўз ақл-заковати, илми, билими, маҳорати туфайли эл-юрт орасида алоҳида эътибор топиб, «кўзга кўриниб», танилиб қолган бўлса, сен унинг отаси кимлигини сўраб-суриштириб ўтирма, ўзининг кимлиги ва қандайлигини суриштир; ёхуд: «Ҳа, фалончими?! Унинг отаси аравакаш эди, ё киморбоз, беданавоз, кўкнори, ўғри, қоровул ва ҳ. к. эди, дейишинг – яхши эмас. Отасининг ким бўлгани билан сенинг нима ишинг бор?! Ундан кўра, обрў-эътибор топган фарзандининг оқилу донолигига, моҳирлигига холисона, беғараз, ҳақиқат ва адолат юзасидан баҳо бер, вассалом!» деган маънода айтадилар.

### ОТГА ТАҚА ҚОҚҚАНДА, ҚУРБАҚА ОЁГИНИ КЎТАРАР

Вариант: «Отга тақа қоққанда, Эшак оёғини кўтарибди»; «Отга тақа қоққанда, Той оёғини кўтарар»; «От арпа еса, Эшак қулоғин солади». Бу мақолларни биров нима қилса, шуни қилгиси, биров нима кийса, шуни кийгиси ва ҳ.к. келадиган, кўр-кўрона етишишга «ўлиб-тирилиб» ҳаракат қилувчи, ичиди: «Ҳап сеними, шошмай тур! Сендан ўзмасам, отимни бошқа кўяман!» дейувчи ва шунга монанд хатти-ҳаракатлар қилувчи одамларга нисбатан киноя, истехзо тарзида қўллайдилар.

### ОТГАН ЎҚ ТОШДАН ҚАЙТМАС, ЭЛЧИ ХОНДАН ТИЛИН ТОРТМАС

Бизнингча, бу мақол – кўпинча қисқагина қилиб айтиб юриладиган «Отган ўқ қайтмас»; «Отган ўқ орқага қайтмас»; «Йўлга чиққан – йўлдан қайтмас, Отилган ўқ – тошдан қайтмас» мақолларининг тўлиқ ва тўғри варианты бўлиб, у билан: «Элчи ўз ваколатига, яъни ўз давлати номидан қатъий бир сўз айтиш, иш қўриш учун ўзига берилган ҳуқуққа биноан, ўзга давлатнинг бошлиғига (масалан, хонига) бор гапни, бор ҳақиқатни очикдан-очик, тўғридан-тўғри айтади. Бунда у ҳеч нарсадан кўркмай, андиша, истиҳола қилиб ўтирмайди. Аслида ҳам шундай қилиш – элчининг вазифаси ва бурчидир», дейилмоқчи.

### ОТДАН ОТНИНГ ЧОПИШИ ОРТИҚ, ЭРДАН ЭРНИНГ ТОПИШИ ОРТИҚ

Бу билан: «Дунёда ҳамма бир хил одам эмас: биров ҳар бир ишга моҳир, уддабурон, чапдаст, топармон-тутармон бўлса, бошқа биров эпсиз, бўшаган, лапашанг, қўлидан бир пақирлик иш келмайдиган, ношуд бўлади», демуқчи бўлганлар.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШБОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

**ҚҲЙ. 21 март – 20 апрель**  
Ўз одатларингизга содиқ қолинг. Бировга ҳасад қилманг, жahlга берилманг. Хатто ўзингиз ёқтирмайдиган одамлар билан ҳам яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг. Шунда ҳамма ишларингиз жойида бўлади. Ушбу ҳафтада энг муҳими, сабр-тоқатли бўлинг.

**СИГИР. 21 апрель – 20 май**  
Келаётган ҳафтада ҳамкасбларингизга ва ҳамкорларингизга руҳий яқинлигингизни ҳис этасиз. Шунингдек, моддий муаммоларингизни муваффақиятли ҳал қиласиз. Бунинг учун ортиқча уринишингизга ҳожат йўқ. Фақат бошқаларнинг раъйига қарасангиз кифоя. Аммо истарангиз иссиқлиги мушкулнингизни осон қилади деб хомтама бўлманг.

**ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**  
Кўпроқ вақтингизни оила аъзоларингиз даврасида ўтказинг. Бошқаларга хушмуомала, эътиборли, саховатли бўлинг. Шунда ҳамма ишингиз ўз жойига тушади. Бордию энг яқин кишингиз сизга етарли эътибор бермаётгандек туюлса, бунга аҳамият берманг.

**ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**  
Эрта-индин кайфиятингиз бузилса, бундан тушкунликка тушманг. Бу ҳолат тез орада ўтиб кетади. Ўз вазифаларингизни сидқидилдан бажаринг. Янги танишлар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг. Ушунда ўзингизни бахтли ҳис қиласиз.

**АРСЛОН. 23 июль – 23 август**  
Хушмуомала, бағрикенг бўлинг. Шунда теварак-атрофингиз билан уйғунликка эришасиз, оддийгина ишларингиз ҳам қизиқарли томонларини кашф этасиз. Қийин вазиятда қолсангиз, ўзингиз ишонган одамлардан ёрдам сўранг.

**БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**  
Шодланиш, ҳаётдан завқланиш учун сабабларингиз етарли. Бордию бу ҳам камлик қилса, дўстларингизни қандай қилиб хайратга солиш борасида ўйлаб кўринг. Фақат бу машғулотга ўта берилиб кетманг. Кўлингиздан келмайдиган нарсани ваъда берманг, томоша кўрсатманг.

**ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**  
Ҳамма ишингиз ўзингиз ўйлаганингиздек битади. Истасангиз, ўз таъсир доиранингизни кенгайтира оласиз, чала ишларингизни якунлайсиз, янгиларини бошлайсиз, муваффақият қозонасиз, ўз хатоларингиздан тўғри хулоса чиқарасиз. Дадил ҳаракат қилинг. Аммо эҳтиёткорликни ҳам унутманг.

**ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**  
Бошқалар билан муносабатларингизни яхшилаб оласиз. Ўзингизнинг оилавий ва ижтимоий мавқеингизни ўзгартириш имконияти туғилади. Бу имконият фойдаланишга арзийдими ёки йўқми – ақлингизга қулоқ солиб ҳал қилинг.

**ЎЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**  
Кўнглингиз тусганини қилинг. Хоҳласангиз эски танишларингиз ва узоқ қариндошларингиз билан алоқаларингизни тикланг. Истасангиз, ўзингизга ёққан одамлар билан ҳазил-хузул қилинг. Фақат билиб қўйинг: ушбу ҳафтада жиддий муносабатларга киришишдан ва чуқур ҳис-туйғуларга берилишдан сақланган маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**  
Ўзингизга ишончли сафдошлар излашга эринманг. Шунда ўзингиз шугулланаётган иш сизга завқ-шавқ бахш этади ва келажакингизга ишонч туғдиради. Аммо эсингизда бўлсин: фақат ички сезгига таяниш, одамларнинг айтган гапига ишонавериш яхшиликка олиб келмайди.

**ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль**  
Ой ёруғида кўпроқ сайр қилинг. Кўнгилочар саёҳатларга чиқинг. Дўстларингиз учун зиёфатлар ташкил этинг. Мансаб сари интилинг. Шунда тез орада деярли ҳамма ўйлаган режаларингизни амалга оширасиз.

**БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**  
Ўз қоидаларингизни белгилаб олинг. Яқинларингиз билан муносабатларингизни янги даражага кўтаринг. Ўз фойдангиз учун улар билан баҳслашишингизга, озроқ аразлашишингизга тўғри келса, унчалик зарари йўқ. Ўзингизнинг, айниқса ўзгаларнинг инжиқликларини бажараверманг.



БОКС

# МУНОСИБ ҒАЛАБА

Дам олиш кунини Манилада ажойиб бокс томошаси бўлиб ўтди. Унда маҳаллий қахрамон Мани Пакиао мутлақ вазн бўйича собиқ чемпион Оскар Лариос билан учрашди. Пакиао ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда жангни катта шижоат билан бошламади, рақибига маълум муваффақиятларга эришишига йўл қўйиб берди ва бир қанча кучли зарбаларни ўтказиб юборди. Бироқ

худди шу раунддаги Пакиао томонидан берилган зарбалардан бири рақибнинг чап кўзидан қон кетишига сабаб бўлди. Покиаонинг зарбалари Лариоснинг еттинчи раундда нокдаунга учрашига олиб келди, аммо Оскар жангни давом эттирди. Учрашув тугашига ярим дақиқа вақт қолганида Лариос яна полга қулади,

шунга қарамадан жанг якунига қадар вақтни чўзишга муваффақ бўлди. Судьялар қарори Лариосга ҳеч қандай имкон қолдирмади. Жанг Мани Пакиао фойдасига ҳал бўлди. Пакнинг Эрик Моралес билан бўладиган навбатдаги жангги шу йилнинг ноябрь ойида Лас-Вегасда бўлиб ўтади.

## БОКС АТАМАЛАРИ

**РИНГ** — боксчилар жанг ўтказадиган жой.

**ЭЛАСТИК БИНТ** — қўл билан зарба берилганда қўл лат эмаслиги учун унга ўраладиган материал.

**КАПА** — тиш, лаб ва жағни сақлайдиган зарур мослама.

**ШЛЕМ** — бошни зарбадан ҳимоя қилади.

**ЛАПА** — тренер уни қўлга кийиб, боксчининг зарбаларини лапага қабул қилади.

**ШИНГАЛКА** — қопни, лапани урганда қўлга кийилади.

Беҳзод АЛИМОВ тайёрлади

# ЕНГИЛМАСЛАР САФИ ҚИСҚАРДИ

Шу пайтга қадар енгилмас Тимур Ибрагимовнинг шахсий кўрсаткичида биринчи мағлубият пайдо бўлди. Шанба кунини бўлиб ўтган Келвин Брок билан бўлган ўн икки раундлик жангда, судьяларнинг яқдиллик билан чиқарган қарорига кўра мағлуб деб топилди. Жанг жуда зерикарли ўтди деса ҳам бўлади, бироқ У Ибрагимовдан анча фаоллик кўрсатди. У ғалаба қозониш учун ҳар бир раундда ишончли ҳаракат қилди. Шунинг учун энг яхши зарбалар унинг ҳисобига ёзилди.

Шундай қилиб, Брок 29 жангда 29 ғалаба билан шахсий кўрсаткичини дахлсиз сақлаб қола олди. Темурда эса 21 ғалаба ва 1 дурангдан ташқари, энди бир мағлубият ҳам бор. «Темур биринчи ўринда муҳофазани ўйлайдиган боксчи. Ҳимояни асосий мезон қилиб олганнинг эса ҳар доим ҳам нокаутга учратиш осон эмас», — дейди Брок. «Бу менинг хатоим бўлди. Мен кўпроқ зарбалар йўллашим керак эди», — деди жангдан сўнг Т. Ибрагимов.

## ТАРИХГА БИР НАЗАР

Италия - ГФР

3:1

Франция - Бразилия 3:0

1982



Юқориги қатор (чапдан ўнга): Дзоффи (1), Грациани (19), Бертоми (3), Шира (7), Колловати (5), Жентиле (6)  
Пастки қатор (чапдан ўнга): Конти (16), Росси (20), Ориали (13), Кабрини (4), Тарделли (14)

11 июль. Мадрид. Стадион «Сантьяго Бернабеу».

1998



Юқориги қатор (чапдан ўнга): Зидан (10), Десаин (8), Лебёф (18), Тюрам (15), Гиварш (9), Пети (17)  
Пастки қатор (чапдан ўнга): Карамбё (19), Жоркаефф (6), Дешам (7), Бартез (16), Лизаразо (3)

12 июль. Сен-Дени. Стадион «Стад-де-Франс».

## КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

Италия - Франция

:-

2006



**Италия:** (тахминий таркиб) — Жанлуижи Буффон, Жанлука Замбротта, Марко Матерацци, Фабио Каннаваро, Фабио Гроссо, Мауро Каморанези, Андреа Пирло, Женнаро Гаттузо, Симоне Перрота, Франческо Тотти, Лука Тони. Бош мураббий — Марчелло Липпи.

**Франция:** (тахминий таркиб) — Фабьен Бартез, Вилли Саньоль, Ли-лиан Тюрам, Уильям Галлас, Эрик Абидаль, Клод Макелеле, Патрик Виейра, Франк Рибери, Зайнидин Зидан, Флоран Малуда, Тьерри Анри. Бош мураббий — Раймон Доменек.

Ҳакам — Хорасио Элизондо (Аргентина).

Аргентиналик ҳакам Хорасио Элизондо Германия ва Коста Рика баҳсини бошқариб, бу йилги Жаҳон чемпионати очиб бериш бахтига мушарраф бўлган. Сўнгра чорак финалда Англия—Португалия учрашувида ҳакамлик қилди. 42 ёшли Х. Элизондо ўзининг ҳакамлик фаолиятини 1994 йилда бошлаган. 1996 йилда эса илк бор халқаро учрашув — Эквадор — Колумбия баҳсида майдонга тушган.

9 июль. Берлин. Стадион «Olympiastadion».

## Зидан:Тотти=ким кучли?



## ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2006 ГЕРМАНИЯ. 9 ИЮНЬ — 9 ИЮЛЬ



### 1/8 ФИНАЛ

№1 24 июнь.	20:00 Германия — Швеция	2:0
№2	24:00 Аргентина — Мексика	2:1
№3 25 июнь.	20:00 Англия — Эквадор	1:0
№4	24:00 Португалия — Голландия	1:0
№5 26 июнь.	20:00 Италия — Австралия	1:0
№6	24:00 Швейцария — Украина	0:3
№7 27 июнь.	20:00 Бразилия — Гана	3:0
№8	24:00 Испания — Франция	1:3

### 1/4 ФИНАЛ

A 30 июнь.	20:00 Германия — Аргентина	4:2
B	24:00 Италия — Украина	3:0
C 1 июль.	20:00 Англия — Португалия	1:3
D	24:00 Бразилия — Франция	0:1

### 1/2 ФИНАЛ

4 июль.	24:00 Германия — Италия	0:2
5 июль.	24:00 Португалия — Франция	0:1

### 3-ЎРИН УЧУН

8 июль.	24:00 Германия — Португалия	:-
---------	-----------------------------	----

### ФИНАЛ

9 июль.	23:00 Италия — Франция	:-
---------	------------------------	----



# САЛОМАТЛИК

РЕЦЕПТЛАР + МУТАХАССИС ФИКРЛАРИ + ТАВСИЯЛАР

**Азиз муштарийлар! Сизнинг илтимосингизга кўра ўт пуфаги ва унга доир касалликлар ҳақида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар қурувчилар Марказий поликлиникасининг жарроҳлик бўлими бошлиғи А. Мақсумов қуйидагиларни гапириб берди.**

ҳайдалишининг бузилиши, кам ҳаракат қилиш, сурункали қабзият, ҳомиладорлик, турли хил юқумли касалликлар холециститга сабаб бўлади.

Ёғлиқ, шунингдек, аччиқ, шўр, нордон таомларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш, спиртли ичимликларни меъёрдан ортиқ ичиш касалликка сабаб бўлади.

Сурункали холецистит — касалликнинг ўткир тури бўлиб, ўт пуфагида аста-секин тош пайдо бўлиши оқибатида келиб чиқа-

дорилар қабул қилиш мумкин эмас.

Сурункали холециститни фақат касалхонада мутахассис шифокор даволайди. Бемор биринчи галда овқатланиш тартиби ва озиқ-овқатлар турига аҳамият бермоғи керак. Ёғлиқ гўшт, балиқлар, қўй ва мол ёғи, ёғлиқ шўрваларни, какао, шоколад, тухум са-

низда моддалар алмашинуви натижасида ўт пуфаги ва йўлларида тош пайдо бўлиб, ўт (сафро) димланиб қолиши туфайли кечадиган касалликдир.

Бемор бир неча йил давомида ўнг қовургалари остида оғирлик сезиб юради. Кўпроқ қовурилган, дудланган гўшт, тузланган ёки ма-

маҳсулотлар истеъмол қилганда оғиз тахир бўлиб, жиғилдон қайнайд. Ўнг қовургалар ости санчиб, қорин, ўнг курак, ўнг елка ва кураклар атрофига оғриқ тарқалади. Бу — ўт пуфагида тош пайдо бўлганлиги белгисидир.

Ҳаддан ташқари кўп ва пала-партиш овқатланиш, ҳаракатсизлик, қабзият туфайли ўтнинг димланиб қолиши ҳам ўт-тош касалликларига сабаб бўлади. Моддалар алмашинувининг бузилиши, ўт димланиб қолиши натижасида унинг таркибида кислота миқдори камайд. Бу эса пигментлар — холестерин ва билирубиннинг чўкиб, улардан тош пайдо бўлишига олиб келади. Овқат таркибида ёғ моддаси оз ёки кўп бўлганда ҳам тош ҳосил бўлади.

Ўт — тош касаллигини даволаш борасида ҳозирги замон тиббиёти анчагина илгарилаб кетган. Хусусан, беморни жарроҳлик эмас, лапароскопик усул билан даволаш кенг қўлланилаётир.

## МИТТИ АЪЗОНИНГ САЛМОҚЛИ ИШЛАРИ



Ўт пуфаги иңсон ичакларида ёғ ва ёғсимон моддаларни ҳазм бўлиши ва сўрилишида асосий ўрин тутади. Ўт, сафро — жигар ҳужайралари ажратадиган сарғиш-жигарранг суюқликдир. У билан бирга гемоглобин, холестерин каби бирикмалар алмашинувининг чиқиндилари ажрайди.

Одатда ўт пуфагининг холецистит ҳамда ўт-тош хасталиклари кўпроқ учрайди. Холецистит ўт пуфагининг яллиғланиши бўлиб, кўпроқ ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда учрайди. У кўпинча ўт пуфагида тош пайдо бўлганда кузатилади. Вақтида овқатланмаслик ёки ҳаддан ташқари кўп овқат ейиш натижасида ўт, сафро ҳосил бўлиши ҳамда

Ўткир холециститда ўнг биқин қовургалари остида тўсатдан қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Кўнгил айниб, қусиш, тана ҳароратининг 38-39 даражагача кўтарилиш, ҳолати рўй беради. Касалликнинг 2,3 кунда тери ва кўз оқи сарғаяди.

ди. Аччиқ ёки қовурма таомлар касалликни кучайтиради. Ўткир холециститга гумон туғилганда дарҳол «Тез ёрдам» чақириш зарур. Шифокор келгунча беморни ўз билганича даволаб, грелка қўйиш, меъдани ювиш, сурги

риги, аччиқ, шўр таомларни истеъмол қилиши мумкин эмас. Ёғсиз қатиқ, творог, сузма кабилар, хўл мева, сабзавотлар ейиш фойдали. Ўт-тош касаллиги ҳам кенг тарқалган касалликлардандир. У орга-

### ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...

#### ЎТ ЙЎЛЛАРИНИ ТОЗАЛАШ УЧУН:

- 50 гр сачратқи илдици, 50 гр сув қалампир баргини олиб, 1 стакан сувда 15-20 дақиқа дамланади. Докадан ўтказиб, уни иссиқ ҳолда кунига 1-2 стакандан ичилади.
- Сув қалампир ва лимон ўт баргларида ҳам юқоридагига ўхшаш дамлама қилинади ва ичилади.

#### ЎТ ПУФАГИДА ТОШ БЎЛГАНДА:

- Жағ-жағ илдици ва сув қалампир баргидан 20 гр.дан олиб дамланади. Овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.
- Бир дона лимон шарбати ярим стакан қайноқ сув, ярим стакан сабзи шарбатига лавлаги ва бодринг шарбатлари аралаштирилиб, кунига 3-4 марта ичилади.
- Наъматак дамламасини кунига икки-уч маҳалдан ичиш лозим.
- Маккажўхорининг попугини қайнатиб, овқат олдида чорак стакандан ичилади.
- Бир неча дона ош лавлагини тозалаб, ювиб, то қиём ҳолига келгунча паст оловда қайнатиб, кейин уни кунига бир неча марта чорак стакандан ичилганда ўт пуфагидаги тош майдаланиб, эриб кетади.
- 2 ош қошиқ укроп уругини 2 стакан қайнаган сувга солиб, паст оловда 15 дақиқа қайнатиш, совутиб, докадан ўтказиш ва 2-3 ҳафта давомида кунига 4 марта ярим стакандан илиқ ҳолда ичиш керак.
- Мойчечак гулларида 15 гр олиб, 1 стакан қайноқ сувга солинади ва дамлаб қўйиб, илиқ ҳолда хўкна қилинганда холецистит билан оғриганлар учун даво бўлади.
- Ўт пуфагида тош бўлганда арпани қайнатиб, кун бўйи чой ўрнида ичиш ҳам фойдали.

## ЖАННАТИ ГИЁҲ

**Райҳон — хушбўй, бир йиллик ўсимлик. Унинг 150 га яқин тури бор. У манзарали гул сифатида экилади. Унинг пайдо бўлиши борасида кўп ривоятлар ҳам битилган.**

Райҳон шифобахшлик бобида ҳам беназир бўлиб, асосан ўти ишлатилади. Таркибида эфир мойи, геранил, ацетат, аскорбин кислота тимол, карвакрол каби ошловчи моддалар бор. Уруғида 30 фоизгача мой сақланади. Райҳоннинг барги, гули, шохчалари пазандаликда, шунингдек, бодринг, кўзиқорин, помидор тузлашда, квас, пиво тайёрлашда қўлланилади. Майдаланган барглари қуруқ мевалар, гуручга қурт-қумурсқалар тушишига қарши сепилади. Халқ табобатида унинг дамламаси иштаҳани очиш ва таом ҳазм қилишни яхшилаш учун қўлланилади. Юқори нафас йўллари шамоллаганда, асабийлашганда яхши наф беради.

**«Қайси бирларингга райҳон тақдим этилса, уни қайтармасин, чунки у жаннатдан чиққандир».**  
(Ҳадисдан)

қорин дам бўлганда яхши наф келтиради. Шунингдек, ларингит, стоматит ва томоқ оғриғида оғиз чайиш учун дамламаси ажойиб малҳамдир. Замоनावий табобатда у расмий равишда доривор ўт ҳисобланади. Қон босими ошганда, паришонхотирлик, буйрак ва жигар хасталикларида фойдали. Нафас қисиши, ўпка сили хасталиғига ҳам даво бўлади. Кўпгина аёлларда ҳайз бошланишидан олдин оғриқ пайдо бўлади, айниқса, дастлабки икки кунда аёл қийналади. Агар ҳайз кўрган вақтда ярим стакандан райҳон дамламасини ҳар кун 3 маҳал овқатланишдан 20 дақиқа олдин ичиб турилса, оғриқ босилади. Жиғилдон қайнаши, ҳиқчоқ, кўнгил айниши, қусиш ҳам тўхтайд.

30 грамм райҳонни 1 литр қайнаган сувга солиб, 2 соат дамлаб қўйинг. Сузиб, 50 грамм асал қўшиб яхшилаб аралаштиринг. Ҳар кун таомдан кейин чорак, ярим стакандан ичиб турсангиз эм бўлади. Моддалар алмашинувини яхшилайд, қон яратиш тизимига ижобий таъсир қилади. Бу эса аёлларга жуда фойдалидир.

Шуни ёдда тутиш керакки, райҳоннинг шифобахш хусусияти билан бирга ноўя таъсири ҳам бор. Жумладан, уни ҳомиладор аёллар, меъданинг гиперацид турида, ўн икки бармоқли ичак яраси бор ҳамда қон босими паст бўлган кишиларга тавсия қилинмайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади.

*Мана, неча кундирки, Мукаррам ая (исм-шарифлар ўзгартирилган) алмойи-алжойи тушлар кўриб чиқади. Бугун ҳам ярим тунда босинқираб уйғонди. Қайтиб уйқуси келмади. Фақат беш ёшли набираси Шаҳриёр беғам, беташвиш, хотиржам ширин уйқуда ётганини кўриб, унинг устига кўрпасини ёпаркан: «Ухла, кўзичоғим, сен ҳеч қачон ёмон туш кўрмагин. Ишқилиб, худо инсоф бериб, отанг ичишни ташласин. Онанг билан иккиси аҳил-иноқ яшаб кетишсин-да», — деди пичирлаб.*

... Сўнги вақтларда Мукаррам аянинг ўғли айниди. У ичкиликка ружу қўйди. Етти йил аввал Гулнорни учратиш қолганида қанчалик бахтли эди. Тўй куни худди кечагидек аянинг ёдида. Ўшанда ҳамма қувонган эди...

Гулнор меҳрибонлик уйда ўсган бўлса-да, уй-рўзгор ишларига уста, тежамкор, саранжом-саришта, феъли ҳам очиққина эди. Аламзадалик, ҳасад нималигини билмасди. Мукаррам ая пешонасига шундай хушфёъл келин битганидан хурсанд бўлди.

Дастлаб Гулнор уйда ўтирди. Шаҳриёр уч ёшга тўлгач, эри билан бозорга қатнай бошлади. Улар балиқ сотишарди. Кейинроқ алоҳида уйга кўчиб ўтишди. Бир қарашда ҳаммаси яхши кетаётган эди. Аммо бундан бир йиллар бурун Мукаррам аянинг ўғли ёмон томонга ўзгарди. Илҳом онасидан хабар олмайдиган, ундан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Мукаррам ая келинидан гап олишга ҳаракат қилганида у кўз ёши тўкди. Сўнг:

— Ўғлингиз билан ажрашасак керак, ойижон, — деди.  
— Ундай деманг, қизим, фарзандингиз бор-а. Унинг айби нима?

Шу суҳбатдан сўнг орадан икки ҳафталаб ўтиб, Илҳом маст ҳолда онасининг уйига кириб келди. Хотини ажрашиш ҳақида ариза берганини айтди.

— Қанжиқ! Бировни топиб олган бўлса керак! — деди у газаб, алам аралаш.

— Аҳмоқона гапларингни қўй, — ўглини тинчлантиришга ҳаракат қилди Мукаррам ая.

Аммо Илҳом ҳадеганда тинчланавермади. У дам ёш боладек йиғлар, дам газабларди.

— Ҳаммасига ароқ ўлгур айбдор. Агар ичишни ташлаганинда ҳаммаси яхши бўларди, — деди онаси куюниб.

Орадан бирор ҳафталаб

ўтиб, Гулнор қўшнисининг телефонида қайнонасига кўнғироқ қилиб қолди.

ниятидан қайтаришга бир неча бор уриниб кўрди. Гулнор аввалига индамади. Ўша куни эса... Ўша куни эрига бор гапни айтишга қарор қилди. Тоқати шунчалик тоқ бўлган эканки, ҳатто Илҳомнинг кайфи борлигига, калтаклаши мумкинлигига ҳам қараб ўтирмади.

— Илҳом ака, шунча пайт ичишни ташлайсиз деб кутдим. Аҳмоқ эканман. Ортиқ умид қилмайман, — деди у.

— Илгари аҳмоқ эдингми? Энди ақли бўлиб қолдингми?

— Ҳа, ақлим кирди. Келинг, уруш-жанжалсиз

тяпсанми? Бундай қилишга ҳақнинг йўқ!

— Мени ўз ҳолимга қўйинг. Кирларимни ювиб олай. Яхшиси, бориб ухланг, — Гулнора шундай деб ҳаммомга кириб кетди.

Илҳом жаҳл устида ошхонадан пичоқ олиб келиб хотинининг бўғзига тираб ўшқирди:

— Яна бир қайтар, нима дединг?

— Мени қўйиб юборинг, томоғим огрияпти. Ҳеч гапни қайтаришни хоҳламайман. Келинг, жанжаллашмайлик.

Аммо Илҳом баттар газабга минди. У хотинини дўппос-

эди. Сўнг у мурдани ювинтириб, диванга ётқизиб, устига қизил кўрпа ёпиб қўйди.

— Гулнор, сен ётиб тур. Мен ҳозир қон юқларини ювиб келаман, — деди Илҳом худди эси оғиб қолган одамлардек довираб. Кейин полдаги, палослардаги қон изларини ювиб чиқди. Хотинининг, ўзининг қон сачраган кийимларини, пичоқни халтага солиб, ташқарига чиқди. Шаҳар кўчалари бўйлаб анча пайт тентираб юрди. Ниҳоят оқава сув қувири қопқоғини очиб, қўлидаги халтани кудуқ ичига ташлаб юборди. Сўнг уйига қайтиб келди. Ётоққа кўрқаласа қараб қўйиб гапиришга тушди:

— Гулнор, ҳалиям ухлайсанми? Мана, мен келдим. Қара, умуман кайфим йўқ. Энди доим бирга бўламиз, сен мени ташлаб ҳеч қаяққа кетмайсан.

Шу пайт қандайдир шитирлаш эшитилиб, Илҳом кўрқанидан кўчага югуриб чиқди. Шу-шу уч кунгача қайтиб остона ҳатлаб уйга кирмади...

Хавотир олган Мукаррам ая хабар олгани ўглининг уйига келди. Эшикни қанча-тақиллатмасин ҳеч ким очмади. Қўни-қўшнилари сўраса, улар икки-уч кундан буён ўглини ҳам, келинини ҳам кўришмаганини айтишди. Мукаррам ая уйига қайтиб, захира қалитларни олиб келди. Ўглининг қўшнисини Ойгул билан эшикни очиб ичкари киришди. Шу заҳоти димоқларига бадбўй ҳид урилди.

Ётоқда устига қизил кўрпа ёпилган кимдир ётарди. Мукаррам ая кўрпани хиёл кўтардию, кўзи келинининг жароҳатланган, шишиб кетган жасадига тушди. Аёллар ўзларини зўрға тутиб ташқарига чиқишдию, ички ишлар идорасига хабар беришди.

Воқеа жойига зудлик билан тергов-тезкор гуруҳи етиб келди. Изқуварлар сўраб-суриштириб, Гулнорнинг эридан шубҳалана бошлашди. Илҳом шу кунгача қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди Илҳом Кўчқоровни содир этган қотиллиги учун 17 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Жорий йилнинг ўтган даври ичида Самарқанд шаҳрида 10 га яқин қасддан одам ўлдириш жинояти қайд этилди. Қотилликлар асосан оилавий-маиший келишмовчиликлар, мастлик туфайли содир қилинаётгани кишини ўйлантириб қўяди.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.



— Шаҳриёр бир неча кун сизникида турса. Балиқ мавсуми бошланиб қолди. Бозорда иш қайнапти. Неварангиз бир ўзи уйда қолиб кетмасин, — деди.

Мукаррам ая қувониб кетди, ўзи бориб неварасини олиб келди. Икки-уч кун ўтса ҳамки, на келини, на ўғли кўнғироқ қилишмаганига, хабар олишмаганига қарамай ая хавотир олмади. «Ишлари кўпдир, вақтлари бўлмаётгандир», — деб ўйлади. Аммо бешинчи куни кўнгли алланечук бўла бошлади. Бунинг устига ҳар хил тушлар уни безовта қила бошлади...

Бу орада Гулнор эри билан ҳар куни бозорга қатнади. Ўрталаридаги муносабат бир илигандай бўлар, яна совуқлашарди. Илҳом хотинини

ажрашайлик. Уйни сотамиз. Пулни бўлиб оламиз. Мен бу ердан бош олиб кетаман.

— Гулнор, ундай дема, мени ташлаб кетма, — ялинишга тушди Илҳом.

— Энди фойдаси йўқ. Мени кўндиришга ҳаракат қилманг. Илтимос, яхши гап билан жавобимни беринг.

— Ёшсан, чиройлисан, бошқа бировга эрга тегиб оласан — шундайми? Айт, тўғриси!

— Эрга тегмоқчи эмасман. Аксинча, ундан халос бўлмоқчиман. Яна ким билсин. Қачондир мени тушунадиган, севадиган, ҳурмат қиладиган яхши инсон учраб қолса...

— Гулнор, ундай дема! Менга раҳминг келсин. Агар бошқа бировга турмушга чиқсанг, ўзимни осаман. Эши-

лай бошлади. Гулнорнинг қаршилик кўрсатаётганини кўриб газаби баттар кучайди. Кўзи қонга тўлиб хотинига пичоқ урди. Гулнор жон ҳолатда ҳожатхонага қочиб кирди. Аммо Илҳом унга етиб олиб пичоқ уришда давом этаверди. Сўнг хотинининг бошини бетон деворга ура бошлади. Бунга ҳам қаноат ҳосил қилмай Гулнорни бўғишга тушди. Ниҳоят аёл жон бергач, Илҳом уни ўз ҳолига қўйиб, балконга чиқди. Сигарет чекаётиб ўзига келди, нима қилиб қўйганини англаб етди. Югуриб ичкарига кирди.

— Гулнор, жоним, тур ўрнингдан! Мен бундай қилмоқчи эмасдим. Эй худойим, нималар қилиб қўйдим?! — Илҳом кўз ёши аралаш ялинар, аммо энди фойдаси йўқ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Жиззах вилояти ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, майор А. Ҳожимуродовга рафиқаси **Риша ҲОЖИМУРОДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ алоқа бўлими ходими

**Эргашали ОТАХОНОВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ алоқа бўлими катта муҳандиси, капитан



**Анваржон ЗОКИРОВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Навой вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Хатирчи тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор С. Тоировга акаси

**Қахрамон ТОИРОВ**нинг вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН

# ЮРИДИК КРОССВОРД



Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? **Марҳамат!**

**Мурожаат**  
учун телефонлар: **139-73-88**  
**139-75-37**

Бизнинг электрон манзилимиз: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)



**Бўйига:** 1. Ҳукумат аъзоси. 2. Одил судлов илоҳаси. 3. Бир қанча давлатларнинг армияларидаги олий ҳарбий унвон. 4. Алоҳида хизматлари учун шахсларга давлат томонидан бериладиган фахрий мукофот. 5. Қаратэ бўйича етти марта жаҳон чемпиони, «Қасос» фильмида бош ролни ижро этган машҳур киноактёр. 8. Инглиз адабиёти, детектив «қироличаси». 10. Қонунларни тизимлаштиришнинг ягона шакли. 13. Россиялик таниқли қуролсоз конструкторлардан бири. 14. Республикаимизнинг ҳуқуқшунос олими, профессор, 1958 йилда нашр қилинган «Русча-ўзбекча юридик терминлар лугати»нинг муаллифи. 18. Масъул вазифа, лавозим. 19. Машҳур ҳинд киноактёри. 22. Ҳуқуқ нормаларининг ягона тизимга солинган қонуқ ҳужжати. 23. «Учрашув жойини ўзгартириб бўлмайди» номли телесериалда В. Висоцкий билан биргаликда суратга тушган киноактёр. 24. Барабанли тўппончанинг ихтирочиси. 26. Штандартенфюрер Штирлицнинг ўз Ватанидаги ҳақиқий фамилияси.

**Энига:** 5. Турмадаги бир кишилик интизомий қамоқхона. 6. Ҳарбий ҳисобда турувчи, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ёки ундан озод қилинган, аммо ҳарбий хизматга яроқли бўлган кишилар. 9. Қадимги Греция ва Италиядаги шаҳар-давлат. 11. Детектив устаси Жорж Сименон романининг бош қаҳрамони. 12. Дастлабки терговда ва судда жиноят юзасидан ҳимоячи сифатида иштирок этувчи юрист. 15. Бухоро ва Хоразм хонликларидаги (1920 йилгача) полиция ходимининг номи. 16. Қуролсиз ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг японча усули. 17. Аҳдлашувчи давлатларнинг мухтор вакиллари тузган халқаро шартноманинг давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан расмий тасдиқланиши. 20. Кинорежиссёр В. Фокиннинг «Изқувар» фильмида бош ролни ижро этган актёр. 21. АҚШ пул бирлиги. 25. «Генерал Раҳимов» фильмининг постановкачи-режиссёри. 27. Жиноятчилар гуруҳи аъзосининг фақат шериклари билалдиган яширин исми. 28. Ҳарбий хизматчи, Ватан посбони. 29. Қасбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат. 30. Ёлланган қотил.

Истеъфодаги подполковник **Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ** тузди.

## ОВ ТАҚСИМЛАШ (Масал)

Мақсад қорин тўйгазиш, овга чиқишди бир кун йўлбарс, бўри ва тулки, атрофда зим-зиё тун. Туттишди бир кийикни, тустовуқ ва бир қуён, Овни тақсимлаш учун қарашди у ён-бу ён.

Йўлбарс деди бўрига: — Қани овни тақсимла, Шундай бўлсин ўлжани, ҳар томонин ҳисобла. — Ҳўп, шоҳим, — деди бўри, — бу кийик сизга бўлсин, Сиз бизнинг йўлбошчимиз, сизнинг нафсингиз тўйсин.

Сиздан кейин ҳисобда, мен тураман, албатта. Қуёнжон менга бўлсин, мен ҳам тулкидан катта. Тустовуқ эса тулки хонимга бўла қолсин Қандай хоҳласа, уни шундайин ея қолсин.

Шундай дегани ҳамон, чунон мушт еди бўри, Кўзи қинидан чиқиб, қурийин деди шўри. — Қани, сен тақсимлаб кўр! — деб буюрди тулкига, Тулки дарров ўйлади, қандай бўлсам иккига.

— Сизга бугун, шаҳаншоҳ, қуён нонушта бўлсин, Тушликка эса кийик, кечга тустовуқ бўлсин, Қолса ичак-чавоғи, биз шунга ҳам тўямиз, Қолмаса ҳам майли, биз шунга шукур қиламиз.

Йўлбарс сўрар тулкидан: — Ургана қолдинг қайдан Бундай тўғри тақсимни, ҳеч ҳам хато қилмасдан? — Ургандим, — деди тулки, хурсанд бўлиб ўздан, — Отилиб чиққан ўша бўривойнинг кўзидан.

Йўлдош **НАСРИДДИНОВ**, истеъфодаги подполковник.

ҳисобда турувчи, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган ёки ундан озод қилинган, аммо ҳарбий хизматга яроқли бўлган кишилар. 9. Қадимги Греция ва Италиядаги шаҳар-давлат. 11. Детектив устаси Жорж Сименон романининг бош қаҳрамони. 12. Дастлабки терговда ва судда жиноят юзасидан ҳимоячи сифатида иштирок этувчи юрист. 15. Бухоро ва Хоразм хонликларидаги (1920 йилгача) полиция ходимининг номи. 16. Қуролсиз ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг японча усули. 17. Аҳдлашувчи давлатларнинг мухтор вакиллари тузган халқаро шартноманинг давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан расмий тасдиқланиши. 20. Кинорежиссёр В. Фокиннинг «Изқувар» фильмида бош ролни ижро этган актёр. 21. АҚШ пул бирлиги. 25. «Генерал Раҳимов» фильмининг постановкачи-режиссёри. 27. Жиноятчилар гуруҳи аъзосининг фақат шериклари билалдиган яширин исми. 28. Ҳарбий хизматчи, Ватан посбони. 29. Қасбни, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат. 30. Ёлланган қотил.

Истеъфодаги подполковник **Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ** тузди.

### Агар Сизга чет давлатда ишлашни таклиф қилиб, юқори маошни ваъда қилишса **АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ!**

Долзарб алоқа телефон рақамлари:

Тошкент	(371) 366-94-44
Андижон	(3742) 24-10-72
Бухоро	(36522) 3-27-80
Гулистон	(3672) 25-16-35
Жиззах	(37222) 6-02-70
Навоий	(43622) 3-49-40
Нукус	(36122) 2-91-98
Самарқанд	(3662) 33-58-84
Термиз	(37622) 7-27-71
Урганч	(36222) 5-66-14

### ҚУЛЛИККА РОЗИ БЎЛМАНГ!

Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

### ҲАВАС ҚИЛИНГ!

Либосимиз яшнатдимиз кўзингизни? Гап отасиз аямасдан сўзингизни. Сиз ўйлаган қиз эмасман, акагинам, Бехудага уринтирманг ўзингизни.

Форма кияр юрагида ўти бор қиз, Тўмарисдек момосига вафодор қиз. Бизнинг ҳақда бошқачароқ ўйласангиз, Ўйларингиз шувит қилар юзингизни.

Биз тортганмиз Ойбарчиндек аслимизга, Осон эмас эришмоқлик васлимизга. Йўл олмоқчи бўлсангиз ишқ қасримизга, Минг ўпасиз бир бор босган изимизни.

Форма кийдик, бахт кулсин деб элимизга, Ватан ишқи жўш уради дилимизда. Парводалар бўлманг, ака, йўлимизга, Парво қилмай ёш қиламиз кўзингизни.

Бизга надир ёлгондакам тавозенгиз, Кеннойимга бағишланг — дилнавозингиз. Агар чиндан келган бўлса ҳавасингиз, Шогирдикка олиб келинг қизингизни!

САЙЁРАБЕГИМ.

### Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятидамыз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгирақ қилинг!

Телефон: (371) 139-73-88



Бosh муharrir  
**Азиз ERNAZAROV**

Бosh муharrir o'rinbosari  
**Murod TILLAYEV**  
Mas'ul kotib **Erkin SATTOROV**

Navbatchi: **Azizjon Fayziyev**  
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**  
**Nikita Slavgorodskiy**  
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning  
shanba kuntari chiqadi.

Kelgusi sonda  
uchrashguncha xayrl

MANZILIMIZ:  
700029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:  
Бosh муharrir o'rinbosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51  
E-mail: [urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Tahririyat hisob raqami  
20210000700447980001, MFO  
00421. «Iprak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-  
matbaa ijodiy uyi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonada manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2590. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 54141 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. © - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI